

711/4
037

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Фатхулла Сагдуллаев

**ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК
(ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА
КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛ)**

ИЛМИЙ РИСОЛА

Тошкент – 2010

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Фатхулла Сагдуллаев

**ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК
(ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА
КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛ)**

ИЛМИЙ РИСОЛА

Тошкент – 2010

Ушбу рисола Тошкент давлат юридик институти Ўқув-услубий кенгашининг 2010 йил 27 мартдаги йиғилишида (№ 8-сонли баённома) муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

Тошкент давлат юридик институти “Жиноят ҳуқуқи” кафедраси мудир
ю.ф.д. Б.Д.Ахроров

Такризчилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси, юридик фанлар номзоди, доцент **Д.Суюнова**
2. Тошкент давлат юридик институти “Жиноят ҳуқуқи ва криминология” кафедраси доценти **Ш.Ё.Абдуқодиров**

Трансмиллий жиноятчилик (жиноят-ҳуқуқий ва криминологик таҳлил)
– Масъул муҳаррир ю.ф.д. Б.Ж.Ахроров. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 104 б.

Мазкур рисолада трансмиллий жиноятчиликнинг умумий тавсифи, турлари, бу борадаги хориж амалиёти ва халқаро ҳуқуқ нормалари таҳлил этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш муаммолари ўрганилиб, уларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Рисола олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларга, мазкур масала юзасидан илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларга, шунингдек, ушбу мавзуга қизикқан барча китобхонларга мўлжалланган.

© Фатҳулла Сағдуллаев, 2010.

© Тошкент давлат юридик институти, 2010.

КИРИШ	4
1-БОБ. ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	7
1.1. Трансмиллий жиноятчиликнинг тушунчаси ва юридик табиати	7
1.2. Трансмиллий жиноятчилик белгилари ва ўзига хос хусусиятлари	17
1.3. Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашда хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили	20
2-БОБ. ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ	42
2.1. Трансмиллий жиноятчилик турларининг умумий тавсифи.....	42
2.2. Терроризм	52
2.3. Одам савдоси.....	56
2.4. Гиёҳванд воситалари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ трансмиллий жиноятлар	62
2.5. Компьютер жиноятчилиги	69
3-БОБ. ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	79
3.1. Трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш	79
3.2. Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари	80
ХУЛОСА	99
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	100

КИРИШ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб демократик ислохотларнинг пировард мақсади инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари тўла-тўқис таъминланадиган ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислох этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилинди¹. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов қайд этганидек, “Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тарққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда - эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин”².

Хусусан, “Борган сари уюшиб ва профессионал тус олиб бораётган ҳозирги жиноятчиликнинг жипслашиши, жиноий гуруҳлар томонидан истеъмол бозорларининг буткул эгаллаб олиниши, қонунсиз равишда қўлга киритилган капиталларнинг хўжалик ва тижорат тузилмалари орқали қонунийлаштириб олиниши яққол кўзга ташланаётганлиги ҳам жуда хавфлидир”³.

Кўп афсус билан қайд этиш лозимки, айниқса сўнгги йилларда трансмиллий жиноятлар деб ном олган жиноятчилик борган сари ўта кескин тус олмоқда. Трансмиллий жиноятларга қарши курашиш, ўз навбатида битта мамлакат ёинки бир ёки бир неча минтақа доирасидан чиқиб, умужаҳон ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак халқаро аҳамият касб этмоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон 2007. – 12, 34 б.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият 2008. – 110, 112 б.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 86–87.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, “биз Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО каби муҳим тузилмалар билан юртимизда демократик ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз”¹ деб таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Хусусан, БМТ маълумотларига қараганда 1990 йилда Ер юзиде 500 млн.дан кўпроқ жиноятлар рўйхатга олинган. Халқаро криминологик тадқиқотлар сўнгги 30-40 йил ичида жиноятчилик дунё миқёсида ўртача 3-4, МДХ давлатлари ҳудудида 6-8, АҚШда 7-8, Буюк Британияда 6-7, Францияда 5-6, Германияда 3-4, Японияда 1,5-2 маротаба ошганлигини кўрсатмоқда. Халқаро жиноятчилик кўлами ва миқдорининг бу тарзда ошишини кўзда тутувчи салбий тенденция яқин келажакда ҳам сақлаб қолинади: бу кўрсаткич 80-йиллардан бошлаб ўртача 5% миқдорда ошиб бормоқда².

Жиноятчиликнинг глобал тарқалиши унинг оммавий интернационаллашувиға сабаб бўлди. БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш бўйича саккизинчи конгрессидаёқ (Гавана, 1990 йил) жиноятчиликнинг миллий доиралардан четға чиқиб, мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида йўлида ғов бўлаётганлиги таъкидланган эди.

Трансмиллий жиноятчиликка қаршилик кўрсатиш бир нечта давлат органларининг ҳамкорликдаги ҳаракатини талаб қилади. Энг аввало шу йўналишда фаолиятни амалға оширадиган давлат органларини ҳамда уларнинг ваколатларини аниқлаб олиш зарур.

Мазкур тадқиқот ҳам айнан трансмиллий жиноятчиликка қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий механизмиға бағишланган бўлиб, унда трансмиллий жиноятчилик тушунчаси, мазкур

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б.43–44.

² Горяинов К. К., Исиченко А. П., Кондратьев Л. В. Транснациональная преступность: проблемы и пути их решения: Монография. – М.: ВНИИ МВД России, 1997. – С.3.

жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, ушбу жиноятларга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари каби қатор муҳим масалалар ўз аксини топган.

1-БОБ. ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1. Трансмиллий жиноятчиликнинг тушунчаси ва юридик табиати

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида шиддат билан тараққий этаётган жўшқин бир ислохотлар даврида жиноятчиликнинг мукамал кўрипишларидан бири ҳисобланмиш трансмиллий жиноятларнинг содир этилиши ҳоллари айниқса, гашвишли ҳолдир.

Ҳозирда замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ўзининг муҳим тенденцияларидан бири – глобаллашув билан тавсифланади. Унинг таъсирида турли миллий иқтисодий ва ҳуқуқий тизимлар бирлашиб, янги дунё иқтисодий ва ҳуқуқий тизими ташкил топди.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қалар бошидан кечирган даврлардан губдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамокдамиз.

Глобаллашув – бу аввало, ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир.

Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин”¹.

Дарҳақиқат глобаллашув жиноятчиликка ҳам таъсир этиб, жиноятчилик сифат кўрсаткичларини ўзгартирди, қоида тариқасида бир вақтнинг ўзида бир неча мамлакат қонунларини бузадиган жиноят шаклларини янада ривожланди. Ушбу жараёнларни тавсифлаш учун криминологлар томонидан “трансмиллий жиноятчилик” муомалага киритилди.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 110-111.

Ж.А.Нетьматов қайд этганидек, “бугунги кунда тарнсмиллий жиноятчилик муаммоси, айникса унинг уюшган тус олиб бораётганлиги бутун жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг катта муаммолардан бири ҳисобланади. Мазкур воқелик глобал характер касб этади. Ундан ҳеч бир давлат ёки ҳеч бир минтака ҳимояланмаган”¹.

Трансмиллий жиноятчилик – тараққиётнинг минг йиллик босқичида жамиятимиз олдида турган энг мураккаб ва долзарб муаммолардан биридир. У ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига кучли таъсир кўрсатиб, мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий институтларнинг нормал фаолиятини бузиш ҳамда мамлакат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солиш баробарида бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам жиддий хавф туғдиради.

Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда “жаҳон хўжалик алоқаларига фаол интеграциялашув, чет эл инвестициялари ва тадбиркорларини иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортиш соҳасидаги аниқ мақсадга қаратилган фаолият бугун Ўзбекистон учун устувор вазифалар ҳисобланади. Бу мақсадларни рўёбга чиқариш шароитида коррупциячиларнинг хатти-ҳаракатлари нафақат мамлакатимиздан ҳалол фуқароларини тадбиркорликнинг четлатади, балки чет эллик шерикларда ишончсизлик уйғотади ва уларни чўчитиб қўяди. Натижада мамлакат ғоят муҳим капитал маблағлар манбаининг, технологиялар ва тажрибанинг, жаҳон иқтисодий тизимидан соғлом, “соф” қисмига қўшилиш имкониятининг маҳрум бўлади. Бундай мамлакат халқаро хуфия ва жиноий тузилмалар тобора кўпроқ қизикадиган ва фаол иш олиб борадиган макон бўлиб қолади. Борган сари уюшиб ва профессионал тус олиб бораётган ҳозирги жиноятчиликдан жипслашиши, жиноий гуруҳлар томонининг истеъмол бозорларидан буткул эгаллаб олиниши, қонунсиз равишда қўлга киритилган капиталлардан хўжалик ва

¹ Нетьматов Ж.А. Транснациональная организованная преступность: состояние и перспективы противодействия / Под ред. М.Х.Рустамбаева. – Ташкент: Адолат, 2007. – С.3.

тижорат тузилмалари орқали қонунийлаштириб олиниши яққол кўзга ташланаётганлиги ҳам жуда хавфлидир”¹.

Профессор В.Номоконов ҳам ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги юқорилигини таъкидлаган ҳолда шундай ёзади: “трансмиллий жиноятчилик уюшган характерга эга бўлиб, қоида тарикасида юқори латентлик касб этади ҳамда иктисодий ва жиноий глобаллашув жараёнлари таъсирида бир неча мамлакатлар ҳудудида содир этилади”².

Шу ўринда ушбу тушунчанинг мазмунига тўхталиб ўтсак. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “транс” (лотинча “trans” – “орқали, орасидан, ичидан, орқасида, мобайнида”) сўзи 1) бирор-бир фазо, майдон орқали ҳаракатланиб, уни кесиб ўтиш; 2) бирор нарса ортидан, бирор нарсанинг нариги томонидан бориш, жойлашиш; 3) бирор нарса воситасида кўрсатиш; белгилаш, етказиш каби маъноларни англатиши қайд этилган³. Яъни, жиноятнинг бир неча мамлакатлар ҳудудида содир этилишини трансмиллий жиноятлар деб аташимиз мумкин.

Махсус юридик адабиётлар ва халқаро ҳужжатларда ушбу тушунчани таърифлаш мақсадида турли атамалардан фойдаланилган. Хусусан, халқаро ҳужжатлар сўнгги йилларда чоп этилган адабиётларни ўрганиш “халқаро” ва “трансмиллий” жиноятлар тушунчалари бир маъноли сўзлар сифатида қўлланилганлигини кўрсатмоқда. Ушбу атамаларнинг иккаласи ҳам этимологик жиҳатдан айни бир воқеиликка бориб такалишини инобатга олсак, бу табиий. Зеро, луғатларда “трансмиллий” тушунчаси “бир давлат ҳудудидан ташқарига чиқувчи, миллатлараро”, “халқаро” эса, “халқлараро, давлатлараро муносабатларга тааллуқли” ва “халқлараро мавжуд бўлган, кўп

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

² Номоконов В. Организованная преступность: транснациональные признаки // <http://www.crime-research.ru/library/Nomokon2.html>

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. Т.4. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.167.

миллатларга татбиқ этиладиган, миллатлараро” деган маъноларни англатиши қайд этилган¹.

Шундан келиб чиққан ҳолда “халқаро жиноятчилик”² ва “трансмиллий жиноятчилик” аини бир тушунчаларни ифодаловчи синонимлар деб таъкидлаш мумкин бўлар эди. Гарчанд, филологик нуқтаи назардан ушбу хулоса тўғри бўлсада, ҳуқуқшунослик фанлари қоидалари асосида уни мақбул дея олмаймиз. Гап шундаки, юридик терминологияда ташқи жихатдан бир-бирига ўхшаш бўлган қатор атамалар кўп ҳолларда мазмунан бир-биридан фарқли ўзига хос қоидаларни мустаҳкамлайди.

Ушбу ҳолатда “халқаро жиноятчилик” халқаро ҳамжамятга таҳдид солувчи тор доирадаги жинойи қилмишларни камраб олади. Трансмиллий жиноятчилик эса, умумжинойи қилмишларнинг бир неча давлатлар миқёсида мунтазам содир этилишини кўзда тутати ҳамда сиёсий, ҳарбий, диний, ирқий тусдаги жиноятларни камраб олмайди³.

Бундай таъриф халқаро ҳужжатлар, хусусан Халқаро жиноят пролицияси ташкилоти – Интерпол уставида ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу тушунчанинг бошқа таърифлари ҳам учрайди. Хусусан, улар асосан ушбу тушунчани уюшган жиноятчилик, иқтисодий ва жиноятчиликнинг бошқа турларидан фарқлашни кўзда тутати.

Жиноятчиликнинг миллий доирадан четга чиқиши – табиий ҳодиса бўлиб, иқтисодиёт, маданият ва умуман цивилизациянинг глобаллашуви билан ҳамоҳанг кечмоқда⁴.

¹ Современный словарь иностранных слов. – М., 1992. – С. 616; Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. – М., 1994. – С. 341.

² Бу ҳақда қаранг: Карпец И. И. Международная преступность. М., 1988. С. 96; Он же. Преступность: иллюзии и реальность. М., 1992. С. 385–395; Наумов А. В. Преступления против мира и безопасности человечества и преступления международного характера // Государство и право. 1995, № 6. С. 48–55; Проблемы борьбы с организованной транснациональной преступностью//Законность. 1995, № 1. С. 4–5; Панов В. П. Международное уголовное право. М., 1997. С. 53–160.

³ Горяинов К. К., Исиченко А. П., Кондратьев Л. В. Транснациональная преступность: проблемы и пути их решения: Монография. – М.: ВНИИ МВД России, 1997. – С.3.

⁴ Штомпка П. Социология социальных изменений. – М., 1998.

Трансмиллий жиноятчилик тушунчасини умумий жиноятчилик доираси билан белгилаш мумкин бўлиб, бу ўз объектив асосларига эга. Биринчидан, Нюренберг ва Токийо сингари фавкулотда ташкил этилган халқаро жиноят судларини истисно этганда, сиёсий, ҳарбий, диний ва иркий тусдаги жиноятлар юзасидан жиноят-ҳуқуқий ва процессуал қарорлар қабул қилиш давлатларнинг суверен тенглиги халқаро-ҳуқуқий тамойилига асосан ҳар бир алоҳида давлатнинг ўзига хос ваколатидир. Иккинчидан, мазкур жиноятларга нисбатан давлатлараро муносабатларнинг махсус мезони мавжуд. Учинчидан, ушбу умумжиной жиноятчилик қарши курашда айнан миллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўрни салмоқлидир.

1.2. Трансмиллий жиноятчилик белгилари ва ўзига хос хусусиятлари

Уюшган жиноятчилик дунё миқёсида трансмиллий хусусият касб этиб бормоқда. ХХІ асрда ҳам айнан трансмиллий жиноятчилик моҳият эътибори билан қўлами ва вайронкор кучи туфайли инсоният хавфсизлиги учун реал хавф манбаи бўлиб қолмоқда. У аввало, ривожланаётган ва ўтиш давридан бошидан кечираётган мамлакатлар иқтисодий хавфсизлигига салбий таъсир этган ҳолда ўз фаолиятини узлуксиз кенгайтириб бормоқда. Айни дамда мазкур ҳодиса глобал тусда бўлиб, ундан ҳеч бир давлат, ҳеч бир минтақа суғурталанмаган.

Ж.А. Неъматов трансмиллий жиноятчиликнинг қуйидаги тўртта белгисини ажратиб кўрсатади: (1) уюшганликнинг мавжуд бўлиши, (2) узвийлик, (3) даромад олиш мақсади, (4) миллий чегараларни инкор этишга асосланган, ўз жиний мақсадига эришишнинг усуллари.



Шубҳасиз, трансмиллий уюшган жиноятчилик уюшган жиноятчиликнинг умумий белгилари билан мос тушади¹.

Трансмиллий жиноятчилик тушунчасини жиноят-ҳуқуқий ва илмий атама сифатида таърифлаш ҳануз мунозарали бўлиб қолмоқда, ваҳоланки ушбу масаланинг ижобий ҳал этилиши амалиётда унга қарши кураш чораларини янада самарали қўллашга хизмат қилган бўлар эди².

1988 йил Сант-Клаудда бўлиб ўтган уюшган жиноятчилик бўйича халқаро симпозиумда трансмиллий жиноятчиликни таърифлашга оид бир қатор тушунчалар таклиф этилган. Муҳокама натижасида Интерполга аъзо 46 та давлатдан 84 иштирокчи келгусида муҳокамаларда “трансмиллий уюшган жиноятчилик” атамасидан фойдаланишга келишиб қарор қабул қилдилар³.

Бунда трансмиллий уюшган жиноятчиликни “жиноий фаолият билан узлуксиз машғул бўлган ҳамда миллий чегаралардан катъий назар даромад олишни кўзлайдиган шахсларнинг уюшган гуруҳи” сифатида таърифлашга қарор қилинди⁴. Шундай қилиб, ушбу тушунча таҳлилидан келиб чиқиб, унинг қуйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин: ташкилотнинг мавжудлиги ёки унинг фаолиятида иштирок этиш; узлуксизлик; мақсад – даромад кўришга қаратилганлиги; унга эришиш усуллари миллий чегаралар доирасидан четга чиқиши.

Барча санаб ўтилган белгилар, шубҳасиз трансмиллий жиноятчиликнинг у ёки бу жиҳатларини тавсифлайди, бироқ улар уюшган жиноятчилик тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Бироқ, унинг асосий ўзига хос жиҳати – яъни, бир неча мамлакатлар доирасини қамраб олиши ушбу ҳолатда асосий ўрин эгаллайди.

Трансмиллий жиноятчилик тушунчасини белгилаб олишда унинг мазмунини белгилаб бсрувчи икки ёндашувга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

¹ Нейматов Ж.А. Транснациональная организованная преступность: состояние и перспективы противодействия / Под ред. М.Х.Рустамбаева. – Ташкент: Адолат, 2007. – С. 8-10.

² Денисович В.В. Соотношение понятий «организованная преступность», «транснациональная организованная преступность» и «международная преступность» // Юридическая Россия. www.law.edu

³ Гуров А.И. Организованная преступность – не миф, а реальность. – М., 1990. – С. 19.

⁴ Гуров А.И. Ўша жойда. – Б. 21.

1) трансмиллий жиноятчилик билан шуғулланувчи жиноий ташкилотлар фаолияти этиборга олиниши лозим;

2) улар фаолиятининг шу хусусиятини тавсифлаш орқали таърифлаш даркор.

Трансмиллий жиноятчиликнинг янада тўлиқ тавсифи Канада полиция жиноят-кидирув кўрсатмаларида келтирилган. У юқоридагилардан ташқари трансмиллий жиноятчиликка хос бўлган қўйидаги жиҳатларни ҳам қамраб олади: коррупция (ноконуний таъсир кўрсатиш, кучсизларни эксплуатация қилиш ва жамоатчи ва сиёсий фаолларга товламачилик қилиш), қатъий интизом (кўркув ва зўравонлик ёрдамида ташкилотга буйсунишга мажбурлаш), жамият ҳаётига кириб бориши (фош этишдан ҳимояланиш ёхуд янада кўпроқ даромад олиш учун қонуний институтлар тизимига ўз вакиллариини жойлаштиришга ҳаракат қилиш), бўлиниш (ташкilotнинг кичик гуруҳ ва бўлинмалардан иборат бўлиши), монополия (иқтисодиётнинг, шу жумладан хуфёна иқтисодиётнинг маълум соҳасида устуворликни қўлда сақлаб туриши), мотив (бойлик орттириш ва ижтимоий, сиёсий фойда кўришдан бошлаб ҳокимиятни эгаллашга қараб ўсиб боради), зўрликка асосланиши (ташкilotнинг жиноий мақсадларига эришиш учун зўрлик ва куч ишлатилишидан тап тортмайди), узлусизлик (мунтазам давом этади); мобиллик (миллий юрисдикция чегараларини рад этиш)¹.

Шубҳасиз, трансмиллий жиноятчиликнинг айрим белгилари уюшган жиноятчилик аломатлари билан устма-уст тушади. Келтирилган рўйхатдаги белгиларнинг айримлари ҳам уюшган жиноятчилик хусусиятларини қамраб олади, бошқалари эса, унинг трансмиллий хусусиятидан далолат беради.

Трансмиллий жиноятчилик жиноий хулқ-атворнинг нисбатан оқилона ва ихтисослашган малакали қисми бўлиб, у таваққалчилик ва юқори даромад олиш эҳтимолини салмоқли даражада оширади. Жиноий уюшмалар сифат жиҳатидан такомиллашиб, ривожланиб бориши мумкин. Улар кўп ҳолларда энг замонавий технологиялардан фойдаланувчи юқори малакали мутахассисларга мурожаат этадилар. У ёки бу мамлакатда ҳаракат қилувчи уюшган жиноятчилар жиддий фойда ва қулай имкониятларга эга

¹ Деписович В.В. Соотношение понятий «организованная преступность», «транснациональная организованная преступность» и «международная преступность» // Юридическая Россия. www.law.edu

бўлишларига кўзлари етмаганида эди, ўз мамлакатлари чегарасини зинҳор кесиб ўтмасдилар.

Трансмиллий жиноятчиликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ёзар экан, Ф.М.Решетников улар сирасига биринчи навбатда уюшганлик белгисини киритади. Тадқиқотчи трансмиллий жиноятчилик асосан контрабанда, олтин, олмос, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси, пул белгиларини қалбакилаштириш, санъат ва маданият асарларини ўғирлаш ва сотиш, одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг халқаро микёсда уюшиши, бирлашиши туфайли содир этилади, деб ёзади. Уюшганликнинг трансмиллий жиноятчиликка хос бўлган хусусият эканлиги бошқа бир қатор муаллифлар томонидан ҳам ажратиб кўрсатилади¹.

Трансмиллий жиноятчиликнинг иккинчи ўзига хос хусусияти сифатида унинг субъектларининг профессионаллашганлиги кўрсатилади. Гарчанд, жиноятчиларнинг уюшганлиги ва профессионаллашуви трансмиллий жиноятчиликнинг муҳим хусусиятларидан бўлсада, бу уларнинг моҳиятини очиб бериш учун етарли эмас. Бизнингча, ушбу хусусиятлар орасида мунтазамийлик, доимийлик каби белгиларни ҳам келтириб ўтиш ўринли бўлар эди.

1.3. Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашда хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили

Трансмиллий жиноятчилик сўнгги йилларда янада шиддат билан ривожланмоқда. Гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ ва одам савдоси каби жиноятлар сердаромадлиги ўз навбатида ушбу жиноятларни халқаро майдонга олиб чиқди².

Ушбу параграфни ёритишда хорижий мамлакатлар тажрибасини трансмиллий жиноятчилик турлари бўйича ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

¹ Решетников Ф. М. Криминологические проблемы развивающихся стран Азии и Африки. М., 1970. – С. 92, 102-114; Родионов К. С. Деятельность Интерпола в борьбе с международной преступностью // Уголовная юстиция: проблемы международного сотрудничества. – С. 232; Иванов Э. А. Понятие транснациональной преступности и международно-правовое регулирование борьбы с ней // Преступность и законодательство. – М., 1997. – С. 367-368.

² Транснациональная организованная преступность: дефиниции и реальность. Монография. Отв. ред. профессор В.А.Номоконов. – Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та. 2001. – С. 39-40.

Гиёҳвандлик моддалар ноқонуний савдосининг олдини олиш ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний тарқалишига қарши кураш самарадорлигини ошириш шarti ва бу борада халқаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири турли мамлакатларнинг ушбу соҳадаги қонунчилик, ижро, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, тиббиёт ва жамоат органлари фаолиятининг ижобий тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий қилиш ҳисобланади.

Бунда турли давлатларда гиёҳвандликка оид сиёсатни, гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний истеъмол қилишнинг олдини олиш ва гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласига қарши курашнинг қонунчилик ва ташкилий таъминланишини таҳлил қилиш алоҳида қизиқиш уйғотади.

Халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилишича гиёҳвандликнинг олдини олиш ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши кураш борасида энг яхши тизим Америка Қўшма Штатларида йўлга қўйилган. Мамлакатда 1930 йилда гиёҳвандликка қарши кураш борасида махсус ташкилот – гиёҳвандлик воситалари бўйича Федерал бюро ташкил қилинган. Бу ерда ўнлаб йиллар мобайнида гиёҳвандликнинг олдини олиш ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши кураш борасида федерал дастурлар қабул қилинмоқда ва амалда қўлланилмоқда. Суд тизими, таълим ва соғлиқни сақлаш органларининг таъсирчанлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича комплекс чоралар тизимли равишда ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда мазкур фаолиятнинг асоси – 2000-2010 йиллар мобайнида гиёҳвандликка қарши кураш бўйича миллий стратегия ҳисобланади. Гиёҳвандликка қарши курашнинг 1990 – 2000 йиллар даври учун мўлжалланган миллий стратегиясида ҳам қатор асосий йўналишлар белгилаб берилган. Жинойий адлия ушбу йўналишлар қаторига киритилиб у гиёҳвандларни даволаш ва реабилитация қилиш; гиёҳвандлик воситаларининг мактаблар, яшаш ва иш жойларида тарқалишининг олдини олиш; чет элларда гиёҳвандлик

воситаларининг ишлаб чиқарилишига қарши курашиш; гиёҳвандлик воситалари контрабандасига қарши курашиш; разведкадан фойдаланиш; кенг қўламли илмий тадқиқотлар ўтказиш чораларини назарда тутар эди.

Стратегиянинг асосий мақсади халқаро наркомафияларни тугатиш ва ўн йилдан кейин гиёҳвандлик воситалари истеъмолини 50 % қисқартириш ҳисобланган¹.

АҚШ да гиёҳвандлик воситаларининг савдосига қарши кураш билан асосан Адлия, Мудофаа, Молия вазирликлари, разведка идоралари шуғулланади. Зиммасига гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашиш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш юклатилган марказий идора Адлия вазирлиги ҳисобланади. Унинг таркибига: гиёҳвандликка ва гиёҳвандлик воситаларининг савдосига қарши курашишга дахлдор амалий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга масъул Гиёҳвандлик воситаларининг таркалишига қарши кураш бўйича бошқарма (ДЕА); Федерал тергов бюроси (ФБР), жиноий ишлар бўйича бошқарма таркибига кирувчи Гиёҳвандликка ва гиёҳвандлик воситалари савдосига қарши курашиш бўйича бўлим киради. АҚШ да гиёҳвандлик воситаларининг савдосига қарши курашиш билан Адлия вазирлиги тизимига кирмайдиган иммиграция хизмати; киргок муҳофазаси хизмати; божхона хизмати ҳам шуғулланади².

трансмиллий жиноятчилик АҚШ жамиятига катта таъсир этмоқда. Гиёҳванд моддалар салбий таъсири умумтан олинган бўлиб, Америка халқига вайронкор таъсир кўрсатмоқда. Халқаро қурол ва одам савдоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг камёб ва йўқолиб бораётган турлари савдоси, халқаро молиявий жиноятлар америкалик фуқаролар саломатлиги ва молиявий барқарорлигига салбий акс этмоқда. Халқаро жиноий гуруҳлар нафақат Мексика ва Канада чегаралари яқинига, балки бунга ҳали мутлақо тайёр бўлмаган ҳудудларга ҳам кириб бордилар. АҚШнинг аксарият

¹ О наркотической ситуации в СНГ ин мире // Диалог. 1994. №12. –С.75.

² Arresting transnational crime // An Electronic Journal of the U.S. Department of State August 2001 Volume 6, Number 2 (www.crime.vl.ru)

худудларида фаолият кўрсатаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фақатгина музтоғнинг устки қисмини аниқламоқдалар, бироқ мазкур жиноятчиликни илдизига яқинлаша олмаяптилар.

Бугунги кунда АҚШда трансмиллий жиноятчилик халқаро миқёсда давлат хавфсизлиги билан боғлиқ мутахассислар томонидан алоҳида ўрганилмоқда.

Гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши курашиш бўйича Бошқарма АҚШ да гиёҳвандлик воситаларининг савдосига қарши курашда муҳим ролни ўйнайди. Унинг асосий функциялари бўлиб: гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш; гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний тарқалишига қарши кураш бўйича миллий тезкор-ахборот фаолиятига раҳбарлик; гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний тарқалишига қарши курашга дахлдор амалий дастурларни тайёрлаш; бошқа давлатларнинг тегишли хизматлари томонидан Бошқарма фаолиятига алоқадор дастурларнинг бажарилишини назорат қилиш; гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний тарқалишига қарши кураш масалалари бўйича федерал, штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш; таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган ўсимликларни етиштиришни йўқотиш юзасидан хорижий мамлакатларнинг барча даражадаги ҳокимият идоралари, ҳукуматлари билан ҳамкорлик; гиёҳвандлик воситаларига қарши курашиш учун чет давлатларнинг миллий кадрларини тайёрлаш ва полиция ходимларини ўқитиш ҳисобланади¹.

Қуролли кучлар Давлат департаменти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда ушбу вазифаларни ҳал этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш, сотиш ва истеъмол қилиш устидан назоратни амалга ошириш функцияси Мудофаа вазирлиги зиммасига юклатилган. Бу функцияларнинг амалга оширилиши миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича устувор йўналиш сифатида кўрилади.

¹ U.S. Department of Drug Enforcement Administration, Office of planning Evaluation, 1991.

АҚШ миллий стратегиясида 5 мингдан ортиқ дастурларни олган гиёҳвандларни даволаш ва реабилитация қилиш Концепцияси асосий ўринни эгаллайди. Улар бешта асосий гуруҳни ташкил этади. 1. касални гиёҳвандликка қарамликдан холос этиш мақсадларида стационар шароитида ўтказилувчи детоксикация; 2. 3-4 ҳафта мобайнида кимиёвий воситалар ёрдамида хусусий касалхоналарда ва уй шароитида даволаш; 3. 18 ой мобайнида яшаш жойи бўйича гуруҳларда терапевтик даволаш; 4. гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишдан холос бўлишга қарор қилган шахсларга ёрдам кўрсатиш йўли билан амбулаторияда даволаш; 5. кокаинга қарамликни даволаш. Америка нашрларида қайд қилинишича хусусий даволаш муассасалари касаларнинг 60 % гача қисмини камраб олади¹. Миллий стратегияга мувофиқ гиёҳвандликка қарши курашда асосий ролни профилактик чоратadbирлар ўйнайди. Америка реабилитация маркази –“Daitor” мутахассислари фикрича, даволашнинг яхши усули бу уни юқтирмасликдир. Гиёҳвандликнинг олдини олиш борасидаги кўп сонли дастурлардан бири бўлган “2000 йилда Сенинг соғлигинг” деб номланган дастур нафақат маълумот беришни балки ўзаро фикр алмашиш маданиятини оширишни ҳам назарда тутар эди. Дастур хизматчиларининг фикрича, мустақил қарор қабул қила оладиган, руҳий зарбаларни енга оладиган ва оғир вазиятлардан шараф билан чиқиб кета оладиган инсонларда гиёҳвандликка чалиниш имкониятлари камроқ бўлади. Гиёҳвандликка қарамликдан энг мустаҳкам ҳимоя - бошқаларни шерик, ҳамкор сифатида қабул қила олиш, дўстлаша олишдир. Шу сабабли руҳий мулоқот машғулотларини ўтказиш, ота-оналар билан ишлаш дастурларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Америкалик мутахассислар фикрича, гиёҳвандликнинг олдини олишга нисбатан бундай ёндошув самаралидир. Илк бора 1975 йилда амалга қиритилган дастурнинг бирорта ҳам ўзгаришга учрамаганлиги

¹ О наркотической ситуации в СНГ и в мире // Диалог. 1994. –№ 2. – С.76.

тасодифий бўлмасдан унга янгидан-янги иштирокчилар жалб қилинмоқда¹.

Полиция фаолиятининг маиший (коммунально)-йўналтирилганлиги концепциясига мувофиқ АҚШ да ёшлар гиёҳвандлигининг олдини олишда полиция идоралари фаол иштирок қилади². 1983 йилдан қатор штатлар мактабларида гиёҳвандлик воситаларини суистеъмол қилишга қаршиликни тарбияловчи Dare (Drug Abuse Resistaince Education) номли дастур амал қилмоқда. Дастур мақсад ва вазифаларига мувофиқ дастлабки таълим полициянинг махсус тайёрланган ходимлари томонидан бешинчи ва олтинчи синфларда ташкил этилади, кейинчалик эса юқори синфлар ўқувчилари, алоҳида олий ўқув юртлари ва ёшларнинг ота-оналарига татбиқ этилади. Дастур самарадорлигини ошириш учун маҳаллий полиция мунтазам равишда турли арбобларни, ижтимоий хизматлар, ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, судлар ва қонунчилик органлари ходимларини жалб қилади³.

1996 йилда ушбу дастурни амалга оширишга 25 минг нафар полиция зобитлари жалб қилиниб улар томонидан 50 штатнинг 70 % мактабларида таълим ўтказилиши таъминланди. Ҳаммаси бўлиб Америка мактабларида 25 миллион нафар бола, бунга қўшимча равишда 30 мамлакатнинг 8 миллион нафар талабаси ўқитилди.

Гэллалп институти томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари дастурни амалга оширишнинг юқори самарадорлигини кўрсатади. Сўралганларнинг 90 % дан ортиғи Dare дастури уларга гиёҳвандлик воситалари ва спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш одатларидан қутилишга ёрдам берганлигини тасдиқлашди. Таълим тизими ходимлари ҳам дастурнинг ишончли эканлигини

¹ Дылева Е., Абельская Н. Кто поможет больным наркоманией? // Час пик. 1997. 2 апр.

² Основные положения и примеры реализации концепции коммунально-ориентированной деятельности полиции в США // Борьба с преступностью за рубежом. 1997. №1. 23–бет; Некоторые проблемы сотрудничества местных общин и полиции в городах США // Борьба с преступностью за рубежом. 1997. – №1. – С.24.

³ Коровина А.А. Пути предупреждения наркомании молодежи // Международное сотрудничество правоохранительных органов в борьбе с организованной преступностью и наркобизнесом. Материалы международной научно-практической конференции. Санкт-Петербург, 25 июля 1997г. Ч 1. –СПб, 1997. –С.104–105.

тасдиқлайди. Респондентларнинг 88 % ушбу дастур мактаб ўқувчиларининг гиёҳвандлик воситаларига нисбатан муносабатига ижобий таъсир кўрсатганлигини, 95 % талабаларга ижобий таъсир кўрсатганлигини қайд этади¹.

Ушбу тажрибанинг кўрсатишича, полиция идоралари, турли таълим муассасалари ва аҳоли гуруҳларнинг биргаликдаги фаолияти жамиятда гиёҳвандликнинг ўсиш даражасини пасайтиришда жуда яхши натижаларни беради. Гиёҳвандлик воситаларига қарши кураш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ассоциацияси (NEOA) (Коннектикут штати) ташаббуси билан ташкил этилган “Болалар ҳақида ғамхўрлик” дастури ҳам ўсмирлар гиёҳвандлигининг олдини олишга қаратилган. Бу лойиҳа доирасида умуммиллий дастур сифатида намоён бўлувчи Polaroid корпорацияси ва эксплуатация қилинувчи ва умидсиз болалар бўйича миллий (National Center for Missiag and Exploited Children - NCMEC) марказ томонидан тайёрланган болалар ва жамоатчилик ўратсида ахборот-тушунтирув характеридаги гиёҳвандликнинг олдини олиш фаолияти амалга оширилади. Дастур доирасида ўқув дастурлари амалга оширилади, ахборот материаллари тайёрланади, стипендиялар ажратилади. “Болалар ҳақида ғамхўрлик” дастури президенти Р.О.Нага фикрича, унинг амалга оширилиши минглаб болалар онгига етиб бориш ва уларда гиёҳвандлик воситаларига нисбатан муайян иммунитетни шакллантиришга имкон бери².

Гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича АҚШ давлат сиёсатини таҳлил қилиш унинг қуйидаги асосий жиҳатларини ажратиш имконини беради:

-давлат бюджетидан маблағ ажратиш асосида гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш бўйича АҚШ Конгресси томонидан ҳар йилда қабул қилинадиган ва Президент томонидан имзоланадиган ҳужжат (билл, стратегия, дастур ва бошқалар) кўринишида ифодаланувчи гиёҳвандликка қарши курашга нисбатан давлат ёндошуви;

-ушбу муаммонинг турли жиҳатлари билан шуғулланувчи

¹ Программа воспитания у школьников сопротивления к приему наркотиков // Борьба с преступностью за рубежом. 1997. –№1. – С.35–37.

² Law and order. 1995. 43. –№12. – С.22–24.

турли идораларнинг вертикал алоқаларидан иборат кўриладиган чораларнинг комплекс, дастурий характери, шунингдек федерал, штатлар ва маҳаллий даражада дастурнинг бажарилиши доирасида горизонтал алоқаларнинг катъий иерархик тизими;

-анъанавий функционал ёндашув билан дастурий ёндашувнинг бирлашганлиги;

-дастур бўйича ҳар бир молиявий ва бошқача таъминотлар олдидан мақсадларнинг аниқ қўйилиши ва тизимлаштирилиши;

-гиёҳвандликка қарши кураш муаммолари бўйича ахборот таъминотининг ягона тизимини яратиш;

-жамоатчилик, биринчи навбатда бевосита гиёҳванднинг атрофидаги кишилар – оиласи, қариндошлари, қўшнилари ва бошқалар кучига таяниш;

-мамлакатга гиёҳвандлик воситаларининг кириб келишининг олдини олиш мақсадларини кўзлаб халқаро кооперацияларда иштирок этиш;

-гиёҳвандликка қарши курашни амалга оширувчи органлар учун амалий тавсияларни назарий ишлаб чиқиш ва тайёрлаш, гиёҳвандлик муаммоларини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи махсус муассасанинг мавжудлиги¹.

Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш соҳасидаги АҚШ давлат сиёсатининг қайд қилинган жиҳатлари сўзсиз, “аср вабоси” дан қутқарувчи восита эмас. Ҳақиқий вазият ушбу мамлакатда гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда қандайдир жиддий муваффақиятлар ҳақида гапириш имконини бермайди. Аммо ушбу тажрибага нисбатан танқидий ёндашув ва унинг ижобий жиҳатларини тадқиқ қилиш гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг самарали усулларини излаш имконини бериши мумкин. Гиёҳвандлик воситаларига қарши кураш бўйича АҚШ миллий дастури жиноий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чораларни ҳам ўз ичига олади. Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар учун

¹ Исмаилов Х.А. Программы борьбы с наркоманией в США. Обзорная информация. –М., 1987. –С. 26–27.

жиноий жавобгарлик ва жазони назарда тутувчи Америка қонунчилигининг асосий меъёрий ҳужжати 1976 йилда қабул қилинган (1981 й., 1986 й. ва 1988 й. таҳрир қилинган) “Суистеъмол қилишга қарши кураш ҳақида” ги қонун ҳисобланади. Ушбу ҳужжатни таҳлил қилиш унинг гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ишлаб чиқариш, ташиш ва ўтказиш билан боғлиқ жиноятлар учун жазони қаттиқлаштиришга мойиллик йўлидан бораётганлигини аниқ қайд қилиш имконини беради. Хусусан, 1986 йилги қонун гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш, чет мамлакатлардан олиб келиш ёки тарқатиш билан шуғулланувчи ташкилот маъмури (бошқарувчиси), ташкилотчиси ва раҳбари сифатида бевосита иштирок қилишда айбдор деб топилган шахслар учун агарда бундай ташкилот даромадлари 12 ой мобайнида 10 миллион доллардан ортса мажбурий умрбод қамок жазосини белгилаб берди¹.

АҚШ да гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний момаласига ва гиёҳвандликка қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг кенг тармоғи билан бир қаторда ушбу муаммо билан шуғулланувчи юзлаб жамоат ташкилотлари мавжуд. 1992 йил майда ташкил этилган гиёҳвандликка қарши кураш бўйича Миллий марказ улар орасида марказий ўринни эгаллайди. Марказ мустақил жамоат ташкилоти ҳисобланиб гиёҳвандликка ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашда тиббиёт, қонунчилик ва тартибни сақлаш, тадбиркорлик ва иқтисодиёт соҳалари мутахассислари, диний конфессиялар вакиллари кучларини жишлаштиради².

Шундай қилиб гиёҳвандлик воситаларига қарши кураш бўйича АҚШ миллий стратегиясини, гиёҳвандликка қарши кураш бўйича федерал дастурларни, меъёрий ҳужжатларни, “оқ ажал” га қарши кураш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини таҳлил

¹ Организационно-правовые основы борьбы с незаконным оборотом наркотиков в зарубежных странах. –М., 1995. – С.38–41.

² В США создан национальный центр по борьбе с наркоманией // Сигнальная информация ГИЦ МВД РФ. 1992. – №36.

қилиш ушбу умуминсоний муаммонинг ечимига нисбатан амалий ёндошувлар ҳақида гувоҳлик беради. Қайд этиш лозимки, гиёҳвандликнинг олдини олиш ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний тарқалишига қарши кураш борасида Америка мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган стратегия ва тактикалар камчиликлардан холи бўлмаса-да, унинг айрим элементларини Ўзбекистон Республикасида ҳам татбиқ этиш мумкин.

Гиёҳвандлик воситаларини нотиббий мақсадларда истеъмол қилиш ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига нисбатан “қаттиқ” характерга эга гиёҳвандликка оид АҚШ давлат сиёсатидан фарқли равишда охириги йиллар мобайнида қатор Европа мамлакатларида гиёҳвандлик воситаларига ва уларни қонунийлаштиришга нисбатан либерал (муросасоз) муносабатни назарга тутувчи ҳаракат кенг тарраққий этди. Нидерландия, Дания, Германия ва Швейцария ушбу ҳаракат марказлари ҳисобланади. Ушбу мамлакатларда гиёҳвандлик воситаларини қонунийлаштиришни назарда тутувчи моделлар ишлаб чиқилган бўлиб бу айна вақтда улар томонидан таъкидланишича, гиёҳвандлик воситалари тарқалишини қисқартиришга қаратилган. Гиёҳвандлик воситаларини қонунийлаштирилиши даражасига қараб уч асосий моделни ажратиш мумкин: тиббий, “сув (пассив) сотиш” ва либерал (муросасоз).

Тиббий моделнинг асосий моҳияти ушбу мамлакатларда таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган таъқиқланган препаратларни истеъмолга тайинлаш бўйича махсус ҳуқуқнинг тиббиёт ходимларига тақдим қилинишида изоҳланади. Ушбу моделнинг тайёрловчилари фикрича, унинг жамоат фикрини юпатишга кодирилиги устуворлиги ҳисобланади.

“Сув сотиш” модели ҳозирги вақтда таъқиқланган гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, четдан олиб кириш ва сотишга ҳар бир мамлакатда давлат монополиясини ташкил этишни белгилайди. Юкоридаги модел унинг тарафдорларининг фикрига кўра ҳар қандай кўринишдаги бозорни

истисно қилиш ҳолда унинг истеъмолчилари учун ушбу воситаларнинг мавжудлигини таъминлашга йўналтирилган.

Нихоят учинчи, либерал модел таклиф қилинувчи маҳсулотнинг мавжуд бўлишини, нарҳини ва турини бозор қонуниятларига, хусусан талаб ва таклифга ҳавола қилади.

Ушбу моделларнинг ишлаб чиқилишига параллел равишда гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиниши туфайли келиб чиқадиган салбий оқибатларни камайтиришга йўналтирилган (Drug related harm reduction) прогматик ҳаракат юзага келди. Бу ерда гиёҳвандлик воситалари – юкори даражада мослашишга эҳтиёж сезувчи, воқеиликнинг таркибий қисми бўлган феномендир деб ҳисобловчи фикр концептуал гоянинг асоси сифатида қаралади. Бунга мувофиқ гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ўрнига гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишнинг салбий оқибатларини камайтиришга асосий ургу берилади.

Harm reduction сиёсати тарафдорлари гиёҳвандлик муаммоларига нисбатан “инкилобий” ёндашувга қарамасдан, ўзлари унинг камчиликларини, биринчи навбатда яширин бозор фаолиятига таъсир кўрсатишга ва ушбу фаолиятнинг кўпгина салбий оқибатларини бартараф этишга қодир эмаслигини тан олади¹.

Юқорида кўрсатилган мамлакатларнинг гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласи муаммосига нисбатан қонунчилигини, тиббий ва жиноий ҳуқуқий ёндошувларини таҳлил қилиш уларнинг гиёҳвандликка оид давлат сиёсатларида умумийликлар билан бир қаторда, маълум ўзига хос жиҳатлари борлигини кўрсатади. Хусусан, Голландияда 1970 йиллардаёқ гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчиларни таъқиб қилишга эмас, балки гиёҳвандларни ижтимоий ажратишга ва жиноий ҳулқини пасайтиришга йўналтирилган “процессуал модел” ишлаб чиқилди. 1979 йилда ҳуқумат томонидан полиция билан гиёҳвандлар ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилганлар

¹ Доклад о возможностях изменения или денонсации Конвенций ООН о наркотических средствах с позиции антиоргобищонизма. – Брюссель, 1994.

Ўртасида алоқа ўрнатишга йўналтирилган “пастки поғона” дастурига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу дастурга мувофиқ хизмат ходимлари гиёҳвандларнинг исмларини рўйхатга киритмасдан уларга нисбатан хайрихоҳ муносабатни ушлаб туриши лозим, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчиларга эса уларнинг эҳтиёжларини қондирувчи ёрдам (турар жой, ижтимоий ёрдам, метадон) таклиф этилади¹. Амстердамда шаҳарнинг бешта нуктасида текин медон беришга расмий рухсат этилган². Гиёҳвандлар томонидан фойдаланилган шприцларни янгиларига алмаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича “хаётий кўникма” ларни шакллантириш, шахсий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга асосланган 200 дан ортиқ дастурлар амал қилмоқда.

Гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича умумдавлат миқёсидаги чоралар Адлия, Соғлиқни сақлаш ва Маданият вазирликларининг яқин ҳамкорлиги асосида ишлаб чиқилади. Маҳаллий даражада гиёҳвандликнинг олдини олиш ва амбулатория ёрдами кўрсатиш бўйича чоралар учун 23 коммуна зиммасига юкланган. 12 провинция дезинтоксикация марказларига эга бўлиб терапевтик ёрдам кўрсатишга маъсулдир. Барча ёрдам ва терапия марказлари (метадон дастуридан ташқари) мухтор ноҳукумат ташкилотлар ҳисобланади.

Худудий тармоқлар амбулатория хизматлари (жойлардаги фаолият, ижтимоий маслаҳат, даволаш, метадонни қўллаш ва реабилитация), жойлардаги хизматлар (кризис ҳолатлари бўлимлари, дезинтоксикация бўлимлари, терапевтик бўлимлар), бошқа хизматлар (кундуз / кеча марказлари, амбулатория шароитида даволаш, бандлик ва тикланиш) ни ўз ичига олади. Гиёҳвандликни олдини олишнинг худудий тизимлари қаторига шунингдек: спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситалари бўйича тиббий

¹ Бунинг Э. Меры по сокращению вреда от наркотиков в Амстердаме // Наркомания и алкоголизм. Современные взгляды. (По материалам международной конференции 23–27 апреля 1990 г. в Востриково). Экспресс-информация. –М. 1990. Вып. 4. – С.2–3.

² Домнин А. По ту сторону кайфа //Калейдоскоп. 1997. –№ 28. – С.21.

маслаҳатлар ўтказиш марказлари; метадонни ишлатиш бўйича маҳаллий муассасалар, санитария хизматлари, аҳолини қабул қилиш бўйича тузилмалар киради. Маслаҳат бюрolari зиммасига шунингдек судланганларга ёрдам кўрсатиш мажбурияти ҳам юкланган.

Гиёҳвандликни олдини олиш чоралари қаторига энг мақбул руҳий-физиологик ҳолатни шакллантиришни мақсад қилган тиббиёт асосларини ўрганиш бўйича мактаб дастурлари ва ёшлар учун дастурлар киради. Оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошириладиган махсус тарғибот кампаниялари муайян хавфлар гуруҳига қаратилади. Коммуналарда, марказларда, ёшлар марказларида асосий эътибор алоҳида гиёҳвандлик воситаларига эмас балки, бутунича гиёҳвандликка қаратилади¹.

Голландия жиноий қонунчилиги кучли таъсир қилувчи гиёҳвандлик воситаларини сақлаганлик учун жарима ёки бир йиллик тюрма жазосини назарда тутди. Терговнинг махсус чоралари фақат кучли таъсир қилувчи гиёҳвандлик воситалари катта миқдорининг халқаро савдоси ҳолатлари аниқлаганда қўлланилади.

Гиёҳвандликнинг олдини олишда энг аввало ижтимоий чоралардан фойдаланиб Нидерландия ҳукумати гиёҳвандлик воситаларини қонунийлаштиришга асосланган, гиёҳвандлик воситалари муаммосини тартибга солиш Концепцияни маъқул топди ва уни бошқа мамлакатларга таққослаганда афзал деб ҳисоблайди². Шу аснода, ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берганидек, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга нисбатан бепарволик жаҳоннинг турли ҳудудларидаги гиёҳвандларни ва гиёҳвандлик воситалари сотувчиларини ўзига жалб қилмоқда. Бизнинг фикримизча, гиёҳвандликнинг олдини олиш борасидаги Голландия

¹ Законодательство Европейских стран по Вопросам связанным с наркоманией. –Рим, 1992. –С.26–28.

² Влиет Х. Ран. Наркотическая политика как искусство управления: опыт Нидерландов //Наркомания и алкоголизм. Современные подходы. (По материалам международной конференции 23–27 апреля 1990 г. В Востриково). Экспресс-информация. –М., 1990. Вып. 4. –С.78.

тажрибаси ушбу муаммони самарали бартараф этиш имкониятини бермайди.

Гиёхвандликни олдини олишга нисбатан бундай ёндошув Швейцарияда ҳам шаклланди. Гиёхвандлик воситаларини қонунийлаштириш ва ҳокимиятнинг ушбу муаммога аралашмаслик йўли гиёхвандлик воситаларини суистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний муомаласи кўламининг кенгайишига олиб келди. Маҳаллий ҳокимиятлар таклифи бўйича Ҳукуматнинг гиёхвандларнинг муайян доираси ўртасида алоҳида шахс ва бутун жамият учун бу қадамнинг узок давом этадиган оқибатларини ҳисобга олмасдан героинни қонуний тарқатиш амалиётини киритишга уриниши гиёхвандлик воситаларининг қонунга хилоф равишда сотилишига қарши мустақкам ҳимоянинг мавжуд эмаслиги шароитида жиноий гуруҳлар томонидан мамлакат ҳудудидан гиёхвандлик воситаларини тарқатиш учун фойдаланилишига олиб келди¹.

Швейцарияда гиёхвандликнинг кенгайишига маълум маънода либерал жиноят қонунчилиги ҳам сабаб бўлмоқда. Гиёхвандлик воситаларини тайёрлаш, олиб кириш, олиб чиқиш ва сақлаш 3 йилга ҳукм қилиш билан ёхуд жарима билан жазоланади. Уюшган жиноий гуруҳда иштирок этиш ва даромадлар олишда айб оғирлашади². Айрим давлат органлари ва жамота ташкилотлари томонидан мамлакатнинг 1971 йилги Конвенцияга қўшилишига, унинг қоидаларини ратификация қилиш ва назорат қилинувчи халқаро рўйхатга киритилган психотроп моддаларнинг қонунга хилоф савдосига қарши курашни ташкил этишга нисбатан тесқари позицияси ҳам ушбу мамлакатда гиёхвандликнинг олдини олиш муаммосини жиддий кескинлаштирмоқда.

Гиёхвандлик воситаларини қонунийлаштириш ва уларни нотиббий мақсадларда истеъмол қилиш шунингдек, Германияда

¹ Состояние контроля над наркотиками и последствия политики легализации наркомании в странах Европы. (Обзорная информация) //Зарубежный опыт. Вып. 7. ГИЦ МВД России. –М., 1995. – С.8–9.

² Законодательство Европейских стран по вопросам, связанным с наркоманией. –Рим, 1992. – С.11.

хам бир қанча тарафдорларини топди. Гиёҳвандлик воситалари бўйича айрим “мутахассислар” давлат томонидан назорат қилинувчи гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш “ўлжа” ни қўлга киритиш учун зарурий ноқонуний гиёҳвандлик воситалари жиноятчилигини камайтиради ва истеъмолчиларни “қонуний асос” га ўтишга ундайди деб ҳисоблайди¹.

Аммо ушбу позиция ҳануз давлат даражасида тўла тасдиғини топмади. Германияда 1996 йили қабул қилинган гиёҳвандлик воситаларини суистеъмол қилиш бўйича миллий дастур гиёҳвандликка қарши курашнинг бош йўналишлари сифатида гиёҳвандлик воситаларига талабни қисқартириш, гиёҳвандликка қарши ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, қонунчилик чоралари ва халқаро ҳамкорликни назарда тутати². Германиянинг гиёҳвандликнинг олдини олиш ва гиёҳвандликка қарши кураш бўйича миллий стратегияси шахс заифлиги, кишиларни гиёҳвандликнинг хавфлилиги ҳақида огоҳлантириш зарурлиги ва иккиламчи профилактика ўтказиш концепциясига асосланади. Асосий мақсад – гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ хавф ва қийинчиликларни тасвирлаш учун махсус кампанияларни ўтказиш ҳисобланади. Турли ижтимоий гуруҳларга мўлжалланган ҳаракат режаси тарғибот ишларининг кенг тизимини назарда тутати.

Мамлакатда 300 та амбулатория касалхоналаридан гиёҳвандлар ҳақида ахборот тўпловчи марказлашган “Ахборот тизими” ишлаб турибди. Ёшларда гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга мойилликни тадқиқ қилиш билан ёшлар таълими Федерал маркази ҳам шуғулланади. Турли ёш тоифалари бўйича гиёҳвандлик воситаларини суистеъмол қилиш кўлами ва табиати ёшлар, оила, аёллар ва соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўрганилади.

Германияда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ

¹ Брустен М. Дискуссия по проблемам наркотиков в ФРГ // Наркомания и алкоголизм. Современные взгляды. (По материалам международной конференции 23– 27 апреля 1990 г. в Востряково). Экспресс – информация. –М., 1990. Вып. 4. –С.6.

² Ревин П.В., Сбирунов П.Н. Зарубежные концепции борьбы с наркоманией // Вестник МВД России. 1997. № 2–3. –С.137; Яремчук Л. Актуальные проблемы борьбы с транснациональной преступностью // Юрист онлайн, 2008. Интернет сайты: <http://www.shkolny.com/aktualnyie-problemyi-borbyi-s-transnatsionalnoy-prestupnostyu/>.

хукукбузарликлар учун жазони назарда тутувчи асосий қонунчилик меъёрий ҳужжат 1981 йил 28 июлда қабул қилиниб 1986 йилда тўлдирилган “Гиёҳвандлик воситалари муомаласи тўғрисида” ги қонун ҳисобланади.

Қонун қуйидагилар билан боғлиқ қилмишлар учун жиноий жавобгарлик бўйича уч гуруҳ нормаларни назарда тутуди: а) гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний тайёрлаш; инсонлар ҳаёти ва соғлиги учун хавф туғдирувчи гиёҳвандлик воситаларини кўп миқдорларда тайёрлаш; жиноий уюшмалар аъзолари томонидан гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш; гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида тайёрлаш; б) гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш; алоҳида оғир ҳолатларда гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш; кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситалари билан савдо-сотик; кўп миқдорда гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш; в) кўп миқдорда гиёҳвандлик воситаларини сақлаш. Қонун гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилганлик учун жиноий жавобгарликни белгиламайди ва жамият учун унча катта бўлмаган хавф туғдирувчи хукукбузарликлар содир қилган, ҳали ҳам гиёҳвандлик воситаларига жисмоний қарамликдан қутқариш мумкин бўлган шахсларга нисбатан жазони енгиллаштиришга ва ҳаттоки ундан воз кечишга қаратилган нормаларни шакллантиради¹.

Германия қонунчилигининг гиёҳвандлик воситалари истеъмолчиларига нисбатан бир қадар либерал ёндошувига қарамасдан бу мамлакатнинг баъзи олимлари бу ерда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ сиёсат кўпроқ жазолов характерига эга деб ҳисоблайди, бу эса пировардида, уларнинг фикрича гиёҳвандликнинг ҳақиқий ҳолатига таъсир кўрсатмайди. Масалан, Кельн университети эмпирик ижтимоий тадқиқотлар Марказий архиви ходими К.Х.Рейбанд турли мамлакатларда кучли ва енгил гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишини ҳамда гиёҳвандлик воситаларининг тарқалиш даражаси билан гиёҳвандликка қарши

¹ Организационно–правовые основы борьбы с незаконным оборотом наркотиков в зарубежных странах. –М., 1995. – С.17–18.

амалга оширилаётган давлат сиёсатининг ўзаро алоқасини баҳолаш асосида тадқиқот ўтказиб турли мамлакатларда гиёҳвандликнинг тарқалиш тенденцияси гиёҳвандликка нисбатан турлича сиёсатга қарамасдан битта йўналишдан бораётганлигини аниқлайди¹. Кўрсатилган тадқиқотнинг ишончлилигига шубҳа билдирмасдан, қайд қилиш лозимки, унинг натижалари гиёҳвандлик муаммолари билан шуғулланаётган кўпчилик олимлар фикри билан мос тушмайди. Жаҳон ҳамжамияти айнан гиёҳвандлик ва гиёҳвандлик воситалари ноқонуний тарқалишинининг олдини олишга қаратилган комплекс чораларда гиёҳвандлик билан боғлиқ мушкул вазиятдан чиқиб кетиш йўллари кўради. Гиёҳвандлик ва гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласининг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича аниқ мақсадли сиёсат амалга оширилаётган мамлакатларда “оқ ажал” га қарши курашда муайян ижобий силжишлар яққол намоён бўлмоқда.

Гиёҳвандлик воситалари ва касал гиёҳвандларга нисбатан репрессив ва либерал ёндашувнинг муросаси асосидаги бирга кўшиб олиб бориладиган гиёҳвандликни чеклаш бўйича Швеция сиёсати тажрибаси бунга мисол бўла олади. Бутун Европа кўзи ўнгида швед жамияти гиёҳвандлик ва унинг оқибатларини англашнинг оғир йўлини босиб ўтди. Швеция ушбу муаммо устидан тўлиқ галабага эришмаган бўлса-да, гиёҳвандлик воситаларидан ноотиббий мақсадларда фойдаланишни камайтиришнинг энг мақбул механизмларини доимий равишда излаш гиёҳвандлик воситалари муомаласини қийинлаштирадиган ва уларга талабни камайтирадиган ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган стратегиянинг шаклланишига олиб келди².

Швед ҳукумати гиёҳвандликка оид давлат сиёсати устувор йўналишларини белгилашда гиёҳвандлик воситаларини суистеъмол

¹ Рейбанд К.Х. Распространенность наркомании. Тенденции в наркомании и антинаркотическая политика. Международное сравнительное исследование // Наркомания и алкоголизм. Современные взгляды. (По материалам международной конференции 23–27 апреля 1990 г. в Востриково). Экспресс-информация. –М., 1990. Вып. 4. –С. 18.

² Каменков К. О наркополитике в развитых странах // Реальные пути помощи страдающим от наркомании и вопросы профилактики наркозависимости. –СПб., 1996. –С. 21.

қилиш оиладаги, мактабдаги, ишдаги, ишсизлик, ёлғизлик ва бошқа ҳал қилинмаган муаммолар натижаси ҳисобланишидан келиб чиқади. Шунга мувофиқ равишда давлат ва жамоат органларининг асосий эътибори турли даражаларда мунтазам олиб борилувчи вазиятни таҳлил қилишга қаратилади. Вазирликлар даражасида махсус мувофиқлаштирувчи орган амал қилади. Умумдавлат ва ҳудудий даражада – турли масалалар бўйича фаолиятни мувофиқлаштирувчи комиссия амал қилади. Жойларда қуйидаги йўналишлар юзасидан мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш бўйича дастурлар тайёрлаш назарда тутилган:

- махсус хизматлар, мактаблар, бўш вақтни ташкил этиш билан шуғулланувчи муассасалар, кўнгилли ташкилотлар, ахлоқ тузатиш муассасалари ва шартли озод қилинганлар устидан кузатувни олиб боровчи органлар билан ҳамкорликда амалга оширилувчи, жойлардаги вазият устидан жорий назорат;

- гиёҳвандлик воситаларини суистеъмол қилганлиги ёки жинойи хулқи сабабли қамоққа олинган шахсларни ижтимоий хизматлар томонидан мажбурий кузатиш;

- ижтимоий хизматлар, дастлабки қамоқ жойлари, маҳаллий ахлоқ тузатиш муассасалари ва шартли озод қилинганларни кузатиш бўйича органлар ҳамкорлиги;

- ижтимоий хизматлар, меҳнат биржалари, яшаш жойларини, профилактика ва реабилитация масалаларида турар жой суғуртасини тақсимлаш бўйича органларнинг ҳамкорлиги¹. Тиббий ва реабилитация мақсадларида ёрдам кўрсатиш 1960 йиллардаёқ Швециянинг гиёҳвандликка қарши давлат сиёсати доирасида қабул қилинувчи барча дастурларнинг асосий ҳолати ҳисобланган. Ҳозирги вақтда мамлакатда гиёҳвандлик воситаларини суистеъмол қилишга мубтало бўлган кишилар учун 103 та маҳаллий поликлиникалар фаолият кўрсатмоқда. Кўпчилик шифохоналар ихтиёрийлик асосидаги даволанишни ўташга мўлжалланган. Бундан ташқари 42 та мажбурий даволаш муассасалари мавжуд.

¹ Алкоголь и наркотики //Общие данные о Швеции. Издание Шведского института. -- Стокгольм, 1996. апрель.

Алкогол маҳсулотлари ва гиёҳвандлик воситаларини суистеъмол қилувчи шахсларни мажбурий даволаш ҳақидаги қонунга мувофиқ алкоголь маҳсулотлари ва гиёҳвандлик воситаларини доимо суистеъмол қилувчи шахслар мажбурий даволанишга жалб қилинади. Даволашнинг энг юқори чегараси 6 ойдан ошмаслиги керак.

Швеция Европа мамлакатларида амалга оширилаётган гиёҳвандлик воситаларини қонунийлаштириш сиёсатини фавқулодда ҳавfli деб ҳисоблайди ва уни жаҳон мамлакатлари ва халқларига таҳдид сифатида баҳолайди.

Гиёҳвандлик воситалари бўйича Швеция қонунчилиги қуйидагиларни жинойи жазога сазовор ҳаракатлар жумласига қиритади: гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш; гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний равишда бошқа шахсга ўтказиш; бошқа шахсга ўтказиш мақсадида гиёҳвандлик воситаларини эгаллаш; шахсий истеъмолга эмас, балки бошқа мақсадлар учун мўлжалланган гиёҳвандлик воситаларини эгаллаш, қайта ишлаш, қадоклаш, ташиш, сақлаш ёки улар билан боғлиқ бошқа ҳаракатлар; гиёҳвандлик воситаларини сотишга тақдим этиш, гиёҳвандлик воситаларини сотишдан тушган пулларни сақлаш ёки ўтказиш; гиёҳвандлик воситаларини сотувчи ва олувчи шахслар ўртасида алоқа ўрнатилишида воситачилик қилиш ёки уларнинг савдосига шароит яратувчи бошқа ҳаракатларни содир қилиш; гиёҳвандлик воситаларига атайлаб эгаллаш.

Гиёҳвандлик воситалари ҳақидаги қонунни ўта қўпол равишда бузганлик учун 10 йигача муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилганлигини истисно қилганда гиёҳвандлик воситалари ҳақидаги қонунни бузганлик учун жазонинг энг юқори муддати уч йиллик озодликдан маҳрум қилишдан иборат. Қонунда белгиланишича гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш қуйидаги ҳолатда яъни ноқонуний ҳаракат содир қилган шахс даволаш-реабилитация ёрдамига муурожаат қилган тақдирда жазога сазовор бўлади¹.

¹ Законодательство европейских стран, связанных с наркоманией. – Рим. 1992. – С.5,11,16.

Полициянинг гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласига қарши кураш фаолияти маҳаллий, ҳудудий ва марказий даражаларда амалга оширилади. Маҳаллий полиция идораларининг тезкор фаолияти режа бўлими ва жиноий ҳуқуқбузарликлар бўлими доирасида ўтказилади. Йирик шаҳарлар полиция идоралари таркибий тузилмасида гиёҳвандликка қарши махсус бўлинмалар тузилган бўлиб уларнинг асосий вазифаси гиёҳвандлик воситаларининг кўча савдосига қарши курашиш ҳисобланади. Ҳудудий полиция идоралари таркибида гиёҳвандлик воситалари ноқонуний савдосига оид жиноятлар билан шуғулланувчи гиёҳвандлик воситаларига қарши курашиш бўлимлари мавжуд. Умумдавлат даражасида Швеция полицияси таркибида гиёҳвандлик воситаларига қарши курашиш бўйича махсус мувофиқлаштирувчи бўлим мавжуд.

Маҳкумлар билан ахлоқ тузатиш муассасаларида махсус даволаш-профилактика чора-тадбирлари ўтказилади. Ушбу муассасалардаги гиёҳвандликка мубтало бўлганларга даволаниш ва ёрдамнинг таъминланиши устувор вазифалардан ҳисобланади. Бир қанча ахлоқ тузатиш муассасаларида гиёҳвандликни даволаш ва олдини олиш бўйича махсуслаштирилган бўлимлар фаолият юритади. Бундан ташқари гиёҳвандлик воситаларини суистеъмол қилувчи маҳкумлар ўз муддатнинг бир қисмини даволаш-реабилитация муассасаларида ва оилавий-тарбия марказларида ўтказиш ҳуқуқига эга².

Шундай экан, гиёҳвандлик ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласининг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича Швецияда амал қилувчи ижтимоий-ҳуқуқий ва криминалистик чора-тадбирларнинг мўътадил тизими гиёҳвандликка оид аниқ мақсадли сиёсат юритиш имконини бериб ушбу тажриба ўзининг анчайин ижобий жиҳатлари билан эътиборга моликдир.

Гиёҳвандликни олдини олиш борасидаги хориж тажрибасини

² Алкоголь и наркотики // Общие данные о Швеции. Издание Шведского института. – Стокгольм, 1996. апрель.

тадқиқ этиш шундан гувоҳлик берадики, ушбу фаолиятнинг истиқболли ва таъсирчан йўналишларидан бири ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш ҳисобланади. Хорижий мамлакатларнинг ёшларга оид сиёсати ягона илмий назарияга асосланмайди ва ёш авлоднинг ҳаётий фаолиятини изчил белгилаб беришга қаратилган тугалланган яхлит тизимни ташкил этмайди. Ёшлар ҳулқини ўрганиш ва тушунтириш борасида кўп сонли илмий йўналишлар, турли-туман илмий-тадқиқот ёндошувларининг мавжудлиги ёшлар, ўсмирлар ва болалар муаммоларини ечишга кўп сонли илмий ишланмаларни муваффақиятли татбиқ этиш имконини беради. Ёшларга оид сиёсатнинг амал қилиши борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш уни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда турлича ёндошувларга қарамасдан кўпчилик Европа мамлакатлари ёшларга оид сиёсатининг асосий йўналишларида умумийликни қайд этиш мумкин. Улар орасида қуйидагиларни қайд этиб ўтиш зарур:

- бугунги кунда ёшларга оид сиёсат ривожланган мамлакатларларда давлат фаолиятининг мустақил йўналиши сифатида намоён бўлади;

- барча ёшлар учун мўлжалланган кенг қамровли, ягона, марказлаштирилган, умумдавлат дастуридан маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган мақсадли, марказлаштирилмаган, мослашувчан лойиҳаларга ўтиш;

- жаҳондаги шиддатли ўзгаришлар, ижтимоий тараққиёт даражаси сабабли узок вақтга мўлжалланган ёшлар дастурларидан воз кечиш кузатилмоқда;

- дастурнинг амал қилиш самарадорлиги ёшлар манфаатлари, эҳтиёжлари, истаклари, уларнинг таълим сифати, ишга жойлашиш, дам олиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига нисбатан доимий ўзгарувчан талабларининг ҳисобга олиниши билан боғлиқ. Дастурларда асосий эътибор ёшларнинг бўш вақтларини, таълим ва меҳнат жараёнларини ўтказиш шаклларини танлашда ўз-ўзини бошқариш ва ўз ўрнини ўзи белгилаб олишига қаратилади;

- кенг кўламли ахборотлаштиришга асосланган ёшлар

дастурларининг ижтимоий таъминотидан, илмий тарғиботлардан доимий фойдаланилади¹.

Турли мамлакатларнинг гиёҳвандликни олдини олиш ва унга қарши кураш борасидаги тажрибаларини ўрганиш уларнинг ҳар бири бу борада ўзининг ижобий тажрибасига эга эканлигинини кўрсатади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаларини умумлаштириш гиёҳвандликни олдини олиш борасидаги стратегия авваламбор ижтимоий омилларга йўналтирилганлигидан далолат бериб у ўз ичига қуйидагиларни: мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларида кенг оммавий таълим; гиёҳвандларни даволаш ва реабилитация қилиш дастурларини кенгайтириш; гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида барча манфаатдор давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари кучларини бирлаштирувчи тегишли ижтимоий дастурлар.

Халқаро-ҳуқуқий нормаларни ва давлатларнинг ички қонунчилигини ўрганиш гиёҳвандликнинг олдини олиш, гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига ва уларнинг ноқонуний муомаласидан келадиган даромадларни “ювилишига” қарши катъий чоралар кўрилаётганлигидан далолат беради. Шунинг билан бирга Европа ва Американинг қатор илғор мамлакатларида гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик доираси кенгайтирилаётганлиги кузатилади.

¹ Слуцкий Е. Из опыта формирования и реализации молодежной политики за рубежом // Молодежь: Цифры. Факты. Мнения. 1993. – №1. – С. 115–128.

2-БОБ. ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ

2.1. Трансмиллий жиноятчилик турларининг умумий тавсифи

Трансмиллий жиноятлар тизимида уч элементни алоҳида ажратиб кўрсатиш одат тусини олган: халқаро жиноятлар, халқаро тусдаги жиноятлар ва чет элликлар билан боғлиқ жиноятлар.

Халқаро жиноятлар деганда, халқаро тинчлик ва хавфсизликка, инсониятга қарши жиноятлар тушунилиб, улар бутун инсоният учун таҳдид солади. Улар сирасига агрессия, геноцид, апартеид, колониал ҳукмдорликни зўрлик билан ўрнатиш ёхуд сақлаб қолиш, ядро қуролини қўллаш, расизм, терроризм ва ҳ.к.ларни киритишимиз мумкин.

Халқаро тусдаги жиноятлар давлатлараро барқарор муносабатларга, давлатлараро, халқаро ташкилотлараро ва турли мамлакатлар фуқаролари ўртасида қарор топган тинчлик ва ҳамкорликка зарар етказди. Улар жумласига контрабанда, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласи ва савдоси, ноқонуний миграция, денгизда ёрдам кўрсатмаслик, қароқчилик, сув ости симларини вайрон қилиш, порнография материалларини тарқатиш, денгиз кемаларини тўқнаштириш, одам савдоси, ҳаво кемасини олиб қочиш, ҳаво кемасида жиноят содир этиш, пул қупюраларини қалбакилаштириш каби жиноятлар мансуб.

Чет эллик шахслар билан боғлиқ жиноятларга ушбу шахслар томонидан ҳамда уларга қарши содир этиладиган жиноятлар киради.

Шу ўринда халқаро жиноятлар ва халқаро тусдаги жиноятлар тушунчаларига ойдинлик киритиб ўтсак.

1927 йилда бўлиб утган жиний қонунчиликни унификациялаш буйича халқаро анжуманда гиёҳвандлик моддаларнинг ноқонуний айланиши қароқчилик, терроризм, қулларни сотиш, пулларни қалбакилаштириш, аёлларни ва болаларни сотиш жиноятлар билан бирга халқаро тусдаги жиноят

деб эътироф этилди¹. Бу тоифадаги халқаро қилмишларнинг ҳуқуқий хусусияти шуки, уларнинг халқаро ҳамжамиятига нисбатан ижтимоий хавфлилик даражаси халқаро жиноятлардагидек бўлмайди.

Халқаро жиноятлар БМТнинг халқаро ҳуқуқ комиссияси давлатлар томонидан халқаро ҳамжамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш учун асосий аҳамият касб этадиган мажбуриятларни бузишни халқаро-ҳуқуқий қилмиш сифатида белгилайди. Бундай жиноятларни содир этганлик учун давлат билан бир қаторда индивидлар ҳам жавобгарликка тортилади.

Халқаро тусдаги жиноятлар миллий ҳуқуқий тартиботга тажовуз қилиши билан бирга халқаро ҳамжамиятнинг муҳим манфаатларига ҳам зарар келтиради. Баъзан бу жиноятларни конвенциявий деб аталади, чунки давлатларнинг халқаро тусдаги жиноятларнинг муайян турига қарши кураши кўп томонлама халқаро шартномалар асосида амалга оширилади².

Бу ҳақда А.Х.Саидов халқаро жиноятларнинг халқаро аҳамиятга эга бўлган жиноятлардан куйидаги фарқларни белгилайди, яъни халқаро жиноятларда субъект сифатида давлат механизмидан жинойий мақсадда фойдаланувчи давлатлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек оддий ижрочилар тан олинса, халқаро аҳамиятга эга бўлган жиноятларни эса жисмоний шахслар содир этади. Шунингдек халқаро жиноятларда объект сифатида халқаро тинчлик ва хавфсизлик, бутун инсоният манфаатлари қаралса, халқаро аҳамиятга эга бўлган жиноятларнинг объекти икки ёки бир неча давлатлар манфаатларида намоён бўлади. Жавобгарлик жиҳатидан халқаро жиноят ҳамда халқаро аҳамиятга эга бўлган жиноятлардан фарқи шуки, халқаро жиноятларда халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида давлатларнинг жавобгарлиги ва ижрочининг жинойий жавобгарлиги мавжуд бўлса, халқаро аҳамиятга эга бўлган жиноятларда шахсий жинойий жавобгарлик мавжуддир. Ниҳоят А.Х.Саидов фикрича халқаро жиноятнинг

¹ Международное публичное право. – М.: Проспект, 1999. – С. 542.

² Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2001. – Б.229.

юримдик мақоми халқаро ёки икки давлат бўлса, халқаро аҳамиятга эга бўлган жиноятларнинг юримдик мақоми ички давлат бўлади¹.

Таъкидлаш лозим конкрет халқаро қилмишларни халқаро жиноятлар ва халқаро тусдаги жиноят тоифаларига табақалаштириш ғоят мушкулдир. Бунинг боиси ҳозирги замон илмий-техникавий тараққиёт, иқтисодий-ижтимоий муаммолар, урбанизация жараёнлари назария ва амалиётда халқаро тусдаги жиноят деб эътироф этилган ҳуқуқбузарликларнинг халқаро ҳамжамиятга нисбатан ижтимоий хавфлилик даражасига тобора ўсиб боришига хизмат қилди ва қилмоқда.

Мюллерсон Р.А. бу борада “Халқаро тусдаги жиноятлар бу давлатлар ўзаро ҳамкорлик тарзида қарши қурашаётган умумжиноий жиноятлардир (ғиёхвандлик моддаларга қарши қураш, ҳаво қароқчилиги, порнографик нашриётларни тарқатиш, пулларни қалбакилаштириш ва ҳоказо). Агарда халқаро жиноят бевосита давлат томонидан содир этилган бўлса жисмоний шахсларнинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги ушбу давлатнинг сиёсий жавобгарлик шаклидир; халқаро жиноятлар асосан давлатлар эмас жисмоний шахслар томонидан содир этилади. Жисмоний шахслар томонидан халқаро тусдаги жиноятларни содир этганлик учун давлат жавобгарлиги фақат халқаро тусдаги жиноятлар буйича уз шартномавий мажбуриятларни бажармаганда ёки ушбу жиноятларга давлат органлари бевосита иштирок этганда юзага чиқади”, деган фикр билдиради².

Х.Т.Одилқориев фикрича, “халқаро жиноят деб, инсоният учун хавфли бўлган, шахсни ҳимоялаш, халқаро ҳамжамиятнинг муҳим ҳаётий манфаатлари, тинчликни сақлаш учун асосий аҳамиятга эга бўлган, халқаро ҳуқуқ норма ва принципларнинг бузилишига айтилади. Бунда халқаро жиноятларни келтириб чиқарадиган, давлатларнинг жиноий сиёсатини амалга татбиқ қиладиган мансабдор шахсларнинг қилмиши катта хавф туғдиради. Халқаро сиёсий ва моддий жавобгарликка бундай жиноятларни

¹ Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ.—Тошкент: Адолат, 2001. 229 бет.

² Международное уголовное право.—Москва: Наука, 1999. С 111—112.

келтириб чиқарувчи давлат раҳбарлари - олий мансабдор шахслар ва жиноий сиёсатнинг бошқа иштирокчилари ҳам тортиладилар”¹.

Халқаро тусдаги жиноятлар халқаро жиноятлар сингари халқаро ҳуқуқ-тартиботга зарар етказмасдан ва оқибатда барча ёки кўшлаб давлатларнинг манфаатларига тегишлидир. Аммо уларнинг бутун халқаро ҳамжамиятига нисбатан бўлган хавфлилиги халқаро жиноятларнинг тавсифловчи элементи бўлмиш – халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдидидан анча камдир².

Юқоридагилардан гувоҳи бўлганимиздек, халқаро жиноятларнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликка зиён етказиши элементи халқаро жиноятларни таърифлашда асосий элементдир. Халқаро қилмишлар бу турининг ўзига хослиги айнан халқаро хавфсизлик ва тинчликка, инсониятга бўлган таҳдиди билан изоҳланади.

Халқаро уюшган жиноятчиликка қарши курашда давлатлар ҳамкорлигини ташкил этишда эътиборга олинishi лозим бўлган навбатдаги муаммо: жиноий қилмиш турларининг ўзаро интеграциясидир. Жумладан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи дахлдор бўлган жиноий қилмишларнинг бошқа жиноятлар билан тобора чирмашиб кетганлигини замона воқелигининг мудҳиш реаллигидир. Дарҳақиқат, “Бугун аниқ айтиш мумкин ки агар диний экстремизм ва ақидапарастлик шиорлари халқаро террорнинг ғоявий ниқоби бўлса, наркобизнес ва наркотраффик, ҳеч шубҳасиз, халқаро террорнинг молиявий таянчидир”³.

Айнан халқаро жиноятлар давлат органлари томонидан содир этилса халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан бу жиноий хатти-ҳаракат давлат ўзининг хатти-ҳаракатидир. Шу боис айтиш мумкинки, бундай жиноятларда бир хил жиноят таркибини содир этиб, давлат бунинг оқибатида келиб чиқадиган халқаро жавобгарлик субъекти бўлади.

¹ Одилқориев.Х.Т.,Очилов Б.Э. Хозирги замон халқаро ҳуқуқи.–Тошкент: Хега-Принт, 2002. – Б.327.

² Международное уголовное право. – М.:Наука,1999. – С.57.

³ Каримов. И.А.Терроризм хавфи тўғрисида.–Тошкент: Шарк, 2002. – Б.119.

Агарда жиноий актлар жисмоний шахслар томонидан содир этилган бўлса ва давлат томонидан бундай актларнинг олдини олиш ёки унга барҳам бериш бўйича чоралар кўрилмаса- бу бошқа ҳолат. Ва албатта, унинг халқаро мажбуриятларини бузган актлари учун давлат халқаро-ҳуқуқий жавобгарликка тортилади, ammo давлат бу ҳолатда ҳам тегишли жиноят таркибини содир этмайди. Мазкур ҳолатда ушбу жиноятлар учун субъекти жисмоний шахслар бўлиб улар билан бирга халқаро-ҳуқуқий жавобгарликка давлат ҳам тортилиши мумкин¹.

Халқаро жиноятларнинг халқаро ҳамжамиятга нисбатан ўта ижтимоий хавфлилигини муносабати билан ҳуқуқбузар давлатга нисбатан нафақат жабрланувчи давлат, балки халқаро ҳамжамиятнинг ҳар бир аъзоси яъни давлатлар ва халқаро ташкилотлар эътирозларни билдиришга ҳақлидир.² БМТ Халқаро Суди 1970 йил 6 феврал кундаги ўз қарорида “orga omnes” тарздаги, ижро этилишида бутун халқаро ҳамжамият манфаатдор бўлган мажбуриятлар мавжудлигини тан олди. Бу мажбуриятларга биринчи навбатда халқаро хавфсизлик ва типчликни таъминлашга қаратилган мажбуриятлар оиддир.³

Таъкидлаш лозимки, трансиллий жиноий фаолиятни амалга ошириш учун жисмоний шахслар аксарият ҳолларда бирлашиб, жиноий уюшма сифатида фаолият кўрсатадилар. Тил бириктиришнинг бу ўта хавфли шакли доимо мавжуд бўлиб келган. Мисол тариқасида, Собик Иттифоқ миқёсида саксонингчи йилларнинг охириларида бир йилга яқин муддат давомида олиб борилган операция натижасида 10.000 яқин айнан наркотикларнинг поқонуний савдоси билан шугулланувчи жиноий гуруҳ аниқланган. Улардан 20 тоннадан ортиқроқ наркотик ва психотроп моддалар

¹ Международное уголовное право.—Москва.:Наука,1999.С67

² Василенко В.А. Ответственность государства за международные правонарушения. Киев., 1976. С124; Курис П.М. Международные правонарушения и ответственность государств.—Вильнюс, 1973. С63–64,135.

³ Тункин Т.И.Теория международного права.—Москва.,1970.С474.

тортиб олиниб, йўқ қилиб ташланган. 400 гектарга яқин майдондаги кўкнори эса ўриб олиниб, ёқиб юборилган¹.

Ҳозирги кунда ҳам наркотик ва трансмиллий микёсда жиноий фаолият олиб бораётган уюшмаларнинг сони муттасил тарзда ошиб бормоқда. Улар гиёҳвандлик моддаларнинг муомаласи рўй бераётган минтақаларни ўзаро бўлиб олиб, уларнинг фаолияти аниқ ишлаб чиқилган элементлардан ташкил топган тизимда намоён бўлади. Хусусан ўз таркибида гиёҳвандлик моддаларни камраб олган ўсимликларни экиш ва парваришlash, ўсимликлардан гиёҳвандлик моддаларни ишлаб чиқиш, тайёр моддаларни улгуржи тарзда сотиб олиб, дунёнинг турли нуқтасига етказганидан кейин сотишдир. Трасмиллий уюшган жиноий фаолиятга ихтисослашган уюшмаларнинг “салоҳияти” гоят кенг ва хавфлидир².

Мазкур жиноий уюшмаларнинг мол-мулки сан-саноксиз бўлиб, улар ўз фаолиятини ошириш учун барча замонавий асбоб-ускуналарга, самолётларга, молиявий маблағларга эгалар. Криминологик жиҳатдан наркотизмга ихтисослашган халқаро кўламдаги жиноий уюшмалар қуйидаги хусусиятлари билан тавсифланади:

- юқори даражада ташкиллаштирилганлиги, унинг иштирокчилари вазибалари аниқ ва қатъий тақсимланганлиги;
- белгилаб қўйилган иерархияга асосан буйсунувчанлик;
- обрў ҳамда куч билан таъминланадиган ички интизом;
- пинҳона фаолиятининг юқори даражада ташкил этилганлиги;
- жиноий уюшманинг бўлинган гуруҳлари билан яқиндан-яқин алоқадорлиги;
- турли давлатларда жиноий уюшманинг шўъбалари мавжудлиги ва фаолият кўрсатиши;
- бошқа жиноий тусдаги (пулларни қалбакилаштириш, контрабанда, одам ўлдириш каби жиноятларни содир этиш билан шуғулланувчилар ва ҳоказо) билан ўзаро алоқадорлиги ва ҳамкорлиги;

¹ ЭПК(Энциклопедия преступлений и катастроф) наркомафии.Производство и распространение наркотиков.– Минск.: Современный литератор., 1988. - С.9.

² Гасанов Э.Г. Наркотизм: тенденции и меры преодоления.– М.: ЮрИнфоР, 1997. - С.29.

- жиноий гуруҳ аъзолари турли миллатларга мансуб бўлиши;
-хоҳлаган мақсадга эришиш учун зўрликдан фойдаланишидир¹.

Уюшган жиноий фаолиятдан фойда олишга ихтисослашган мазкур жиноий тўдаларга халқаро микёсда зарба бериш долзарб вазифасидир. Бунда жиноий уюшмаларни жавобгарликка тортиш борасидаги халқаро-ҳуқуқий механизмни шакллантириш такозо этилади. Транснационал уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенциянинг 10-моддасига асосан ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ҳуқуқий тамойилларини ҳисобга олиб, уюшган жиноий гуруҳларга дахлдор юридик шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутмоғи даркор². Бу борада ушбу Конвенцияга қўшилмаган ҳар бир давлат қўшилиш тadbирларини кўриб, ўз қонунчилигида Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига дахлдор юридик шахсларни жавобгарликка тортишнинг миллий-ҳуқуқий асосларини яратиши шартдир³.

Ушбу ишда биз трансмиллий жиноятлар тизимида ўзининг ижтимоий хавфлилиги ҳамда тараққиётнинг мазкур босқичида янада долзарб тус олган айрим турларини кўриб чиқамиз. Бугунги кунда трансмиллий жиноятлар гуруҳига қуйидаги жиноятларни киритиш мумкин: а) одам савдоси; б) терроризм; в) контрабанда; г) диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган фаолият билан шугулланиш; д) гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш ва бошқалар.

Шу ўринда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ва МДХ давлатлари учун трансмиллий жиноятларнинг қайси бири кўпроқ хавф солмоқда деган савол туғилиши табиий. Авваламбор, МДХ давлатлари учун энг жиддий хавф нарқобизнесдир. Қора бозорнинг

¹ Гасанов Э.Г. Наркотизм: тенденции и меры преодоления. – Москва: ЮрИнфоР, 1997. С.37.

² Конвенция против транснациональной организованной преступности. Москва: Норма-М. 2002. С.6.

³ Матқаримова Г.А. Халқаро жиноят ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Маъсул муҳаррир: И.М.Умархонов. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б.17–18.

деярли 70%и наркотиноятчилик билан узвий боғлиқ. Мутахассислар қайд этишича, наркотраффикка қўл урган жинорий уюшмаларнинг аксарият қисми трансмиллий хусусият касб этган.

Ўзбекистон ҳам кўпгина МДХ давлатлари сингари Афғонистондан гиёҳванд моддаларни кириб келиши муаммоси билан бевосита тўкнаш келди. Марказий Осиё давлатлари томонидан гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш борасида амалга оширилаётган чораларга қарамасдан, сўнгги йилларда Афғонистонда етиштирилган гиёҳванд моддаларнинг хорижга олиб чиқилишида минтақа давлатлари хулудидан транзит йўлаги сифатида фойдаланиш холатлари янада кўпайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, гиёҳванд моддалар минтақанинг сиёсий, ижтимоий ва бошқа соҳадаги хавфсизлигига таъсир этувчи асосий таҳдидлардан бирига айланишига сабаб бўлди.

Наркотаҳдиднинг ижтимоий ва тиббий кўринишлари шундан иборатки, Марказий Осиё орқали бундай миқдорларда героин моддасининг транзит тарзида олиб ўтилиши, ушбу минтақада криминоген вазиятнинг ёмонлашишига, аҳолининг наркотибизнесга ружу кўйишига, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчилар сонининг кўпайишига олиб келади. Хусусан, БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда опий гуруҳига кирувчи гиёҳванд моддалар истеъмолчилари Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатларда яшовчи 15-64 ёшли аҳоли орасида йилига 0,5% дан 1% гача ошмоқда. Ушбу кўрсаткич Шимолий Америка давлатларида 0,5% ни, Жанубий Америкада – 0,3%ни ва Осиёда – 0,4%ни ташкил этади. Гиёҳванд моддаларга тобе шахслар сонининг ошиши, муқаррар равишда наркотибизнеснинг авж олишига ҳам олиб келади. 2008 йилда минтақа давлатлари бўйича диспансер ҳисобида турувчилар сони 94 минг нафар (2000 йилга нисбатан 40,3 % га кўп) шахсни ташкил этган. Минтақада героин гиёҳванд моддалар орасида энг кўп (ўртача 70 %) истеъмол қилинса, кейинги ўринларда марихуана (15%), опий (11%) ва бошқа турдаги наркотик моддалар туради.

Бугунги кунда ер юзида миллионлаб кишилар кўп миқдорда фойда олишни кўзлаб гиёҳванд моддаларни ғайриқонуний етиштириш, тайёрлаш ва сотишга жалб этилиши кишилик жамиятини ижтимоий таназзулга олиб келиши мумкин. Наркобизнес нафақат бирон-бир миллат ёки халқнинг, балки бутун бир минтақанинг бугуни ва эртасига таҳдид солувчи жиддий хавфдир.

Муаммони яна бир томони шундаки, катта пул маблағларини тўплаган наркомафия аста-секин сиёсий тузумга ўз таъсирини кўрсата бошлайди. Натижада эса, жамият аста-секин ичидан емирила боради, мазкур жамиятдаги барқарорлик, тинчлик-осойишталикка амалда хавф туғилади.

Ҳозирги кунда наркобизнес терроризмнинг асосий молиявий манбаси эканлиги ҳеч ким учун сир эмас. Мамлакатимизнинг Афғонистон билан чегарадошлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юзага келаётган нарковазиятга салбий таъсирини ўтказмоқда.

Шу нуқтаи назардан, наркотаҳдид ўчоғига айланган қўшни Афғонистонда вужудга келган сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий вазият биз учун ниҳоятда аҳамиятли эканлигини алоҳида қайд айтмоқ лозим. Гиёҳвандлик воситалари билан ғайриқонуний савдо қилиш, яъни наркобизнес ўзини-ўзи ташкил этувчи ва ривожлантирувчи мураккаб фаолиятдир¹.

Иккинчи ўринда эса, МДХ давлатлари миқёсида мамлакатдан хом-ашё ресурсларини ноқонуний олиб чиқиб кетиш туради.

Учинчи ўринда, сердаромадлиги (гиёҳванд моддалар ва қуроляроғ савдосидан кейинги ўринда туради) боис сўнгги йилларда салмоғи ошиб бораётган одам савдоси туради. Айнан ушбу муаммо бугунги кунда МДХ ва Европа мамлакталари олдида долзарб масала сифатида қўйилган.

¹ Назаров Х. Наркобизнес минтақавий хавфсизликка таҳдид сифатида // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2010. – №1. – Б.25–27.

Даромади нуктаи назардан қуйи ўринни эгаллаган бўлсада, давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдиди бўйича биринчи ўринда турган навбатдаги трансмиллий жиноят – терроризмдир.

Трансмиллий жиноятчилик тизимида айниқса сўнгги йилларда шиддат билан ривожланиб бораётган кибержиноятчилик – электрон муҳитда содир этиладиган жиноятчиликни, шу жумладан кибертерроризмни ҳам киритиш лозим.

Бугунги кунда кибержиноятчилик кўплаб экспертлар томонидан алоҳида давлатлар ҳамда халқаро ҳамжамятлик хавфсизлигига таҳдид сифатида баҳоланмоқда. Бу ўз навбатида мазкур қилмишларга қарши ҳуқуқий таъсир чораларини ишлаб чиқишга ундади. Ушбу чора-тадбирлар самараси ўларок 2000 йилда Глобал ахборот жамияти Хартияси ва 2001 йилда ЕХХТнинг “Кибержиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияси қабул қилинди, шу кунга қадар дунёнинг турли бурчақларида мазкур муаммога бағишланган махсус форумлар ўтказилди. Шундай бўлсада, В.Номоконов таъкидлаганидек, “ушбу муаммо борган сайин кескин тус олмоқда ва бундан кейин ҳам янада долзарблашади”¹.

Киберҳужумлар сони бўйича бугунги кунда АҚШ етакчилик қилади, унинг ҳисобига дунё миқёсида содир этилаётган кибержиноятларнинг 35,4%и тўғри келади. Кибержиноятлар бўйича 2-ўринда Жанубий Корея – 12,8%; ундан сўнг Хитой – 6,9%; Германия – 6,7%; Франция – 4% туради.

Кибержиноятчиликнинг асосий мўлжали молиявий институтлар бўлиб, уларга тажовуз қилиш жиддий ва оғир оқибатларга сабаб бўлади. Масалан, Нью-Йорк биржасининг ташки дунё билан алоқасини бир неча дақиқага тўхтатиб қўйиш унинг биносини портлатишдан кўпроқ зарар етказди². Шунингдек, 2003 йилда бирик-кетин АҚШ ва қатор Европа мамлакатлари энерготизимида рўй берган йирик авариялар ҳам айрим

¹ Номоконов В. Организованная преступность: транснациональные признаки // <http://www.crime-research.ru/library/Nomokon2.html>

² Некоторые проблемы современного кибертерроризма // Борьба с преступностью за рубежом. – 2001. – № 2.

маълумотларга қараганда электрон террорчилар ҳаракати оқибатидир¹.

2.2. Терроризм

Бугунги кунда жаҳонда халқаро терроризмнинг тус олиб бораётгани ҳақиқатдир. Ушбу халқаро муаммога қарши курашиш, унинг назарий-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ қилиш, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан жамият, давлат олдида турган энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масала бўлиб ҳисобланади.

Зеро, терроризм жамият тараққиётининг биринчи навбатдаги кушандаси, узоқ йиллар давомида эришилган ютуқларни йўқ қилиш ҳамда ривожланишни бир неча йиллар орқага сурувчи салбий ҳодиса бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг пировард мақсади – эркин, озод ва обод Ватан ҳамда фаровон ҳаётга эришиш йўлидаги жиддий ғовдир.

Буларнинг барчаси дунё мамлакатлари, миллатлари ва халқларининг тинч ва аҳил яшаши, инсониятнинг хавфсизлиги, дунё ҳамжамятининг сақлаб қолиниши ва ривожланишини таъминловчи ижтимоий кадриятларни муҳофаза қилинишига янгича ёндашувларни юзага келтирди. Ушбу табиий ва тарихий зарурият туфайли ҳозирда жаҳон ҳамжамяти томонидан халқаро терроризмга қарши курашга бағишланган қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмоқда.

Ушбу ҳолатлар халқаро терроризм каби салбий иллатга қарши биргалиқда ва ҳамжиҳатликда кураш олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

“Халқаро ҳуқуқда қатор терроризмга қарши курашишга йўналтирилган конвенциялар мавжуд. Масалан терроризмни йўқ қилиш ҳақида Европа конвенцияси (Страсбург 1977- йил 27- январь), Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлат-иштирокчиларининг терроризмга қарши курашиш бўйича

¹ Номоконов В. Организованная преступность: транснациональные признаки // <http://www.crime-research.ru/library/Nomokon2.html>

ҳамкорлиги ҳақидаги шартномаси (Минск 1999-йил 4-июнь), бомбали терроризмга қарши курашиш ҳақидаги халқаро конвенция, терроризм, сепаратизм ва экстремизм ҳақидаги Шанхай конвенцияси в.х.к.

Терроризм жиноий ҳаракатнинг энг оғир кўринишларидан бири бўлиб айбдор атрофдагиларда қўркув, ғалаён уйғотишга, уларнинг меъерий одати ва ижтимоий фойдали фаолиятини тўхтатиб қўйишга ҳокимият ва бошқарув органларига қаршилиқ қилиб ўзларининг ноқонуний мақсадларига эришишга ҳаракат қилади”¹.

Терроризм – жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва қўркув уйғотишга қаратилган ижтимоий ва сиёсий курашнинг ўзига хос усулидир. У яширин (конспиратив) руҳдаги ташкилоти томонидан беқарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадида қўлланилади. Террорчи уюшмалар оммавий бўла олмагани учун ҳам кўп ҳолларда аҳолининг кенг қатламлари номидан ҳаракат қилиш таассуротини уйғотиш мақсадида диний шиоралардан ниқоб сифатида фойдаланадилар. Терроризмнинг энг асосий хусусиятларидан бири бундай ҳаракат тарафдорларининг “зўрлик давлатни қулатувчи ва ҳокимиятга эришишни осонлаштирувчи парокандаликка олиб келади” - деган ғояга асосланиб ҳаракат қилишларида яққол кўринади. Терроризмнинг яна бир хусусияти ҳеч қандай уруш бўлмаётган, тинчлик ҳукмронлик қилаётган, жамиятда демократик институтлар фаолият кўрсатаётган бир шароитда муқобил усулларни атайин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик йўли билан ҳал қилишга интилишда кўринади.

Терроризмнинг 60-йиллардан бошлаб қарама-қаршилиқ қуввати айниқса ўсиб борди, бир қатор ҳудудлар террористик ташкилотлар ва гуруҳлар таъсирида қолди. Ҳозирги кунда беш юзга яқин махфий террористик ташкилотлар мавжуд 1968 йилдан 1980 йилгача улар томонидан 6700 га яқин террористик акт

¹ Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Особенная часть. Том 3: Преступления против личности. Преступления против мира и безопасности. Учебник для ВУЗов. – Ташкент: ТГЮИ, 2009. – С.350-351.

уюштирилган бўлиб, уларнинг натижасида 3668 одам ўлдирилиб, 7474 та одам ярадор бўлган¹. 1980 йилдан 1991 йилга қадар 150 та террорчилик акти содир этилган. Унда 2020 киши ҳаётдан кўз юмган. Террорчилик ҳаракатлари 1992-2001 йилларга келиб 2054 тани ташкил этган, бу ҳаракатларда 2547 нафар одам вафот этган ва 20555 киши жароҳатланган. 2001-2003 йилга келиб бутунер юзида рўй берган 661 та террорчилик ҳаракати оқибатида 4346 нафар одам ҳаётдан кўз юмган, 4004 киши турли хил тан жароҳатларини олишган. Ҳозирги пайтда экстремистик шахслар, ташкилотларнинг террористик фаолияти кучайиб, уларнинг инсониятга нисбатан қабиҳликлари ўсиб бормокда. Халқаро илмий текширув марказларининг маълумотларига кўра террорчиларнинг умумий бюджети йилига 5-20 миллиард долларни ташкил қилмоқда. Ҳозирги пайтда терроризм халқаро глобал характерга эга. Яқин ўтмишда терроризмга локал ҳодиса деб қараларди. 1980-1990 йилларга келиб у универсал ҳодисага айланди. Терроризмнинг халқаро кучга айланиши ва глобаллашуви инкор этиб бўлмайдиган факт бўлиб инсониятга хавф солмоқда. Терроризмнинг эпицентри кўп йиллар давомида Лотин Америкасидан Япония, Германия Федератив Республикаси, Туркия, Испания, Италия мамлакатлари томон силжиди. Шу билан бир вақтда Англияда ИРА, Испанияда ЭТА террористик акциялари уюштирилди. Фаластин ва Исроил террористик ҳаракатлари активлашди. Охирги йилларда Яқин Шарқда “Ҳамас” ва “Ҳезбуллоҳ” исломий ҳарбийлаштирилган гуруҳлари, Ҳиндистонда сикх террористик ҳаракати, Жазоир ва бошқа террористик ташкилотлар ўз активлигини оширди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни таҳлил қилиб, халқаро терроризмнинг қуйидаги тавсифларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Шундай қилиб, халқаро терроризм бу “жамиятни зўравонлик билан мунтазам равишда қўрқитиш, игво қилиш, беқарорлаштириш”², “сиёсий мотивлар бўйича зўрлик ишлатиш

¹ Ўша жойда. – Б. 71.

² Чаликова В. Терроризм. // 50/50 Опыт словаря нового мышления. – М., 1989. – С.309.

билан кўрқитиш ёки зўрлик ишлатиш шакли”¹, “сиёсий мақсадларга эришиш учун шахслар ёки ашёларга қарши зўравонлик ишлатиш ёки зўравонлик ишлатиш билан кўрқитиш”², “сиёсат субъектларининг зўравонлик ҳаракатлари ёки бу ҳаракатларни қўллаш билан кўрқитиши ҳамда сиёсий мақсадларни кўзлашлари”³, “сиёсий мақсадларга эришиш учун мунтазам равишда қотилликлар, баданга шикаст етказишлар ва бузғунчиликлардан фойдаланиш ёки мазкур ҳаракатларни ишлатиш билан кўрқитиш”⁴, “ҳеч нарса билан чекланмаган, ҳарбий ҳаракатлар билан боғлиқ бўлмаган ҳамда сиёсий рақибларни кўрқитиш орқали муайян натижаларга эришиш мақсадига эга бўлган жисмоний мажбурлашни мунтазам равишда қўллашдан иборат сиёсий кураш усули”⁵, “айрим шахслар ва ташкилотлар ёки ҳукумат органлари муайян сиёсий натижаларга эришиш мақсадида номақбул давлат арбоблари ва сиёсий арбобларни кўрқитишга ва давлатнинг ҳукукий тартибини бекарорлаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари”⁶.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, терроризм тушунчасига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: терроризм – халқаро муносабатларни чигаллаштириш, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни бузиш, давлатларнинг хавфсизлигига раҳна солиш, уруш ва қуролли тўқнашувлар келтириб чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш ёки қасос олиш мақсадида жисмоний ёки юридик шахсларни, давлат органлари ёхуд халқаро ташкилотлар мансабдор шахсларини бирор-бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбурлаш учун қилмиш кўринишида ёки уни амалга ошириш билан кўрқитиш тарзида ошқора содир этиладиган, шахсга ёки мулкка хавф туғдирадиган ҳаракат.

¹ Terrorismus // Das neue taschen Lexicon. Bertelsmann Lexicon Verlaq. – 1992. Band. 16. – P. 59-60.

² Шнайдер Г.И. Криминология. – М., 1994. – С.439.

³ Кабанов П.А. Политическая преступность: сущность, причины, предупреждение. – Нижнекамск, 2000. – С.40.

⁴ Laquer W. Terrorism. – L., 1977. – P. 79.

⁵ Дмитриев А.В., Залысин Н.Ю. Насилие: социополитический анализ. – М., 2000. – С.53.

⁶ Маджорян Л.А. Терроризм: правда и вымысел. – М., 1986. – С. 14.

2.3. Одам савдоси

Одамлардан қонунга хилоф тарзда фойдаланиш, хусусан уларни ёллаш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жавобгарлик белгиланган жиноят бўлиб, уни олдини олиш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантириш ташқи сиёсатимизнинг муҳим устувор йўналиши эканлигини таъкидлар экан, самарали чоралар кўришни талаб этаётган таҳдидларга эътибор қаратиб айтадики, “бу ерда жаҳондаги йирик давлатлар ва бизга қўшни мамлакатларнинг геостратегик манфаатлари мавжуд бўлиб, баъзида улар бир-бири билан келишмаслигини ҳам кузатиш мумкин. Халқаро терроризм, экстремизм, наркоагрессия ва минтақавий хавфсизликка нисбатан бошқа трансмиллий таҳдидлар ҳамон сақланиб қолмоқда”¹.

“Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар халқаро ҳуқуқда аллақачон маълум. Одам савдоси – ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Ундан келадиган даромад гиёҳванд моддалар ва қурол савдосидан сўнг учинчи ўринда туради. Жиноятчиликнинг мазкур туридан келадиган даромаднинг йиллик айланмаси 7 млрд АҚШ долларини ташкил этади. Жинсий эксплуатация, мажбурий меҳнат, болалар меҳнатини эксплуатация қилиш шу даражада кенг тарқалганки, натижада ҳозирги кунда миллат генофондига, шу билан бирга миллий хавфсизликка жиддий хавф туғдирмоқда. Бундай ҳолатда ҳар қандай маданияти ривожланган мамлакат мазкур жиноий фаолият тури билан кураш бўйича барча зарур чораларни кўриши лозим. Ўзбекистон ҳам бу борада истисно эмас.

“Одам савдоси ҳар йили жиноий синдикатга* улкан даромад келтириб, халқаро жиноятчилик, жумладан, терроризмни ҳам молиялаштирувчи асосий манбалардан ҳисобланади”².

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б. 41–44.

* Европол (Европа Иттифоқининг полиция органи) маълумотларига кўра, кўриб чиқилаётган поконуний фаолият жиноий уюшмаларга ҳар йили ўрта ҳисобда 19 млрд. АҚШ долларини миқдорда даромад келтиради.

² М.Х.Рустамбаев. Одам савдоси. – Тошкент: ГДЮИ, 2009. – Б.6.

Бизнинг мамлакатимизда эксплуатация қилиш мақсадида одамларни сотиш муаммоси мустақилликнинг илк даврларидаёқ долзарб муаммога айланди. Мамлакатда юз берган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, айниқса чегараларнинг очилиши ва аҳоли халқаро миграциясининг ошиши, шунингдек, иқтисодиётда ўтиш даври муносабати билан аҳоли турмуш даражасининг сезиларли тарзда пасайиши натижасида криминоген ҳолатнинг ёмонлашуви ва шахснинг жинсий ва бошқа турдаги эксплуатацияси билан боғлиқ ҳаракатлардан жабрланганлар сонининг ошиши кузатилди. Шу билан бирга кўпгина ҳолларда жабрланувчилар республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқилиб, ноқонуний тарзда сақлаб турилган. Айнан шунинг учун мамлакатимиз қонунчилиги томонидан собиқ Совет мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб 1994-йили жиноят қонунчилигида одамларни жинсий ёки бошқача тарзда эксплуатация қилиш учун уларни ёллаш учун жавобгарликни белгиловчи норма қабул қилинди.

“Одам савдоси халқаро уюшган жиноятчиликнинг таркибий қисми, глобал жиноий ҳодиса бўлиб, у тобора кенгайиб бораётганлиги сабабли, бугунги кунда кўплаб мамлакатларни жиддий ташвишга солаётган муаммо ҳисобланади”¹.

“Одам савдосига қарши кураш олиб боришнинг самарадорлигига, фақат, бундай курашга фуқаролик жамияти жалб этилгандагина эришиш мумкин”².

2003-йилда Ўзбекистон юқорида қайд этилган БМТнинг 1949-йилги Конвенциясига қўшилди, 2008-йилда эса БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, бартараф қилиш ва бунинг учун жавобгарлик тўғрисидаги Баённомани³ тасдиқлаб, аҳолини огоҳлантириш,

¹ М.Х.Рустамбаев. Одам савдоси. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б.4.

² Курбонов Н.Б., Ниёзова С.С. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллашнинг ижтимоий ҳавфлиги ва олдини олиш. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б.27.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2008-йил 8-июлдаги “БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, бартараф қилиш ва бунинг учун жавобгарлик тўғрисидаги Баённомани (Нью-Йорк, 2000-йил 15-ноябрь) ратификация қилиш тўғрисидаги”ги № 160 сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари Ахборотномаси, 2008-йил № 7, 351 б.

жабрланувчиларни ҳиомя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш орқали одам савдосининг олдини олиш ва баратаф қилиш мажбуриятини олди”¹.

Бугунги кунда одам савдоси жиноятининг ўсиши, бундай жиноятларни уюшган гуруҳлар ҳамда жинойй уюшмалар томонидан ўзаро тил бириктирилган ҳолда содир қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилган ишлар юзасидан чиқарилган ҳукмлар ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш жиноятларининг 15 фоизи оддий иштирокчилик, 45 фоизи мураккаб иштирокчилик, 25 фоизи уюшган гуруҳ томонидан ва 15 фоизи жинойй уюшма томонидан содир этилган².

Мавжуд маълумотларга кўра, кейинги уч йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига одам савдоси жабрланувчиларига айланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан 1000 дан ортик ариза келиб тушган. Бу аризалар бўйича 700 га яқин жиноят иши кўзғатилган, 600 дан ортик айбланувчига нисбатан 300 га жиноят ишлари кўриб чиқиш учун судларга ўтказилган. Таъкидлаш лозимки, жиноят ишлари бўйича айбланувчиларнинг ярмидан кўпини аёллар ташкил этади. Ҳозирга келиб одамлар савдосидан жабрланганлар сони 2000 нафарда ортиб кетган³.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг расмий маълумотларига кўра, 2009 йил 1 январига қадар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 135-моддаси билан 647 нафар шахсга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилган. Уларнинг 409 нафари судланиб, 333 нафари турли муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган⁴.

¹ Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Особенная часть. Том 3: Преступления против личности. Преступления против мира и безопасности. Учебник для ВУЗов. – Ташкент: ТГЮИ, 2009. – С.249.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди материаллари, 2009 йил.

³ Курбонов Н.Б., Ниёзова С.С. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллашнинг жигимой хавфлидиги ва олдини олиш. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б.4.

⁴ М.Х.Рустамбаев. Одам савдоси. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б.7.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар томонидан одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш жинояти тушунчаси, бундай қилмишларни квалификация қилиш, қиёсий таҳлил этиш, суд-тергов амалиётини ўрганиш масалаларига бағишланган қатор эътиборга лойиқ фикрлар билдирилган. Масалан, мазкур мавзунинг тадқиқ этишида республикаимиз олимларидан М.Х.Рустамбоев Ўзбекистон Республикасида одам савдоси жинояти учун жавобгарлик масалалари, М.Ражабова траффик жинояти (одам савдоси): қонунчилик ва жавобгарлик масалалари, А.О.Шарафутдинов одамларни шахвоний ёки бошқа мақсадларда ёллаш, одамлар траффиги билан боғлиқ муаммолар, Ҳ.Ш.Хамраева аёллар траффиги (пуллаш)ни бартараф этишнинг халқаро ҳуқуқий муаммолари, Қ.Р.Абдурасулова аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари, Н.Масловой Ўзбекистонда ноқонуний миграция ва одам савдовсининг бартараф этиш чоралари, Г.А.Маткаримова одамлар траффиги трансмиллий уюшган жиноятчилик сифатида, З.А.Юлдашева одам савдоси муаммосининг халқаро олдини олиш чоралари, Ж.Неъматов Ўзбекистон Республикасида ноқонуний миграциянинг муаммолари ва одам савдовсининг криминологик ҳолати, А.С.Якубов шундай жиноятларнинг сабабларига қисман тўхталиб ўтганлар¹. Бундан

¹ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус Қисм. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2006. – Б. 110–112; Шарафутдинов А.О. О работе, проводимой МВД в сфере борьбы с вербовкой людей в целях их сексуальной и иной эксплуатации. Проблемы, связанный с трафиком людей / Материалы научно –практической конференции на тему “Международно–правовые проблемы борьбы с торговлей людьми”. – Ташкент, 2006. – С. 15–20; Ражабова М. Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий амалий таҳлил. –Тошкент: Адолат, 2005. – Б. 88–98; Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 230; Масловой Н. Материалы научно –практической конференции на тему. “Международно–правовые проблемы борьбы с торговлей людьми”. – Ташкент, 2006. – С. 21–28; Маткаримова Г.А. Материалы научно –практической конференции на тему. “Международно–правовые проблемы борьбы с торговлей людьми”. – Ташкент, 2006. – С.5–14; Юлдашева З.А. Материалы научно –практической конференции на тему. “Международно–правовые проблемы борьбы с торговлей людьми”. –Ташкент, 2006.– С. 29–33; Неъматов. Ж.Материалы научно –практической конференции на тему. “Международно–правовые проблемы борьбы с торговлей людьми”. – Ташкент, 2006.–

ташқари, МДХ олимларидан Л.Д.Ерохина, Ф.Л. Сеницын, А.Н.Красиков, В.В. Лунев ва бошқаларнинг илмий ишларида бу жиноятларнинг турли қирраларига эътибор берилган¹.

“Мазкур муаммо кўпқиррали бўлиб, унинг ечимини топишда комплекс ёндашув талаб қилинади. Энг муҳим трансмиллий хусусиятга эга бундай жиноятларга қарши кураш олиб бориш билан боғлиқ кўрилаётган чоралар етарли даражада самара бермаётганлигидадир”².

Одамлардан халқаро микёсда фойдаланиш учун уларни ёллаш, яъни одам савдоси деб аташга одатланилган бу жиноят ҳам қурол-яроғ ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан боғлиқ сердаромад жиноятларга ўхшаш бўлиб, бу борадаги уюшган жиноий фаолият мўмай даромад келтириши, амалга ошириш усуллари эса ўта махфий ва хавфли эканлиги билан ажралиб туради.

Мазкур жиноятнинг яна бир хавфли жиҳати шундаки, ҳозирги даврда бутун дунёда, жумладан Бирлашган Араб Амирликлар, Туркия, Малайзия, Баҳрайн, Таиланд, Хитой, Исроил, ҳатто, океан ортидаги давлатларда ҳам одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий уюшмалар ёки жиноий гуруҳларнинг жиноий фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай йўллар мавжуд. Уюшма ва жиноий гуруҳлар ўз олдига алдаш йўли билан ёлланган, кейинчалик сотиб

Б.34–36; А.С.Якубов. Учение о преступлении по законодательству Республики Узбекистан. –Ташкент: Академия МВД, 1995. – С. 45.

¹ Ерохина Л.Д., М.Ю. Буряк. Торговля женщинами в целях сексуальной эксплуатации. Теория и практика борьбы. Учебное пособие. Владивосток, 2001.–23 с. Сеницын Ф.Л. Международное законодательство по проблеме торговли людьми. Пермь, 2000.–14 с. Красиков А.Н. Уголовно–правовая охрана прав и свобод человека в России. Саратов, 1996.– 194 с. Лунев В.В. Преступность XX века. Российская академия наук Институт государства и права.Москва.– 2006.– 596–601 с. Мизулин. Е. Б. “Новое уголовное законодательство в сфере борьбы с торговлей людьми//российская конф.по правовые основы предупреждения и пресечения торговли людьми в России; тез.докл.респ.науч.конф. 29 ноября 2004. –Москва. 54 с. Буряк Ю.М..Торговля людьми и борьба с ней. Дис..канд. наук. –Владивосток.: 2005.– 13 с. Евстифеева Е.В Теоретические проблемы уголовно–правовой ответственности за торговлю людьми: Дис...канд. юрид. Наук.–Саратов.: 2002. – С. 95. Шамков С.В. Совершенствование законодательства по противодействию торговле людьми. Владивосток: 2002.– С.4–5.

² Курбонов Н.Б., Ниёзова С.С. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллашнинг ижтимоий хавфлилиги ва олдини олиш. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б.5.

юборилган ва сотиб олинган инсонларни шахвоний хизматлар кўрсатишда, огир ишлаб чиқаришларда, кишлоқ хўжалигида текинга ишлатишга мажбур қилишни мақсад қилиб қўяди¹.

Одам савдоси жиноятининг тобора ўсиб бораётганлиги бир қатор омиллар билан изоҳланадики, булар қаторига савдо-иқтисодий алоқаларнинг глобаллашуви, аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятининг ёмонлашуви, мазкур жиноят билан боғлиқ “бизнес”нинг сердаромадлилиги, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги сусткашлиги ва айрим ҳолларда мансабдор шахсларнинг жиноятчиларга ҳамтовоқ бўлиш ҳолларини² киритиш мумкин.

Одам савдосининг яна бир ижтимоий хавфлили томони шундаки, бу жирканч ишлар нафақат бир давлат худудидаги жиноий гуруҳларнинг, балки халқаро жиноий уюшмаларнинг ва мавқеи ҳам катта. Одам савдоси жиноятининг изчил қисқа вақт ичида кичик ва тарқок ҳолдаги жиноий гуруҳларда ўта жипслашган халқаро жиноий уюшма ва жиноий гуруҳлар ихтиёрига ўтади ҳамда тармоққа айланган тарзда халқаро уюшган жиноятчиликнинг ўсиши билан ҳам боғлиқ³ деб таъкидлайди Россиялик ҳуқуқшунос Н. Г. Хомяков.

Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида одам савдосига қарши курашни муқаррар равишда тақозо қилмоқда.

¹ Овчинский В.С Основы международного сотрудничества в борьбе с организованной преступностью. Следователь. №9. 1999 .– С. 44–47 .

² Проблемы опасности, которые создает организованная транснациональная преступность в различных регионах мира. Справочный документ.Всемирная конференция на уровне министров по организованной транснациональной преступности. Неаполь, 21–23 ноября 1994 г. – С.26.

³ Хомяков Н.Г. Противодействие торговле людьми и преступлениям в сфере нравственности подразделениями уголовного розыска МВД России// Предупреждение трафика: законотворческий и правовой аспекты. Российский и международный опыт. Тез.докл.–Челябинск, 2006.– С.26–27.

2.4. Гиёҳванд воситалари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ трансмиллий жиноятлар

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан “Аср вабоси” деб эътироф этилаётган гиёҳванд моддалар ноқонуний муомаласига қарши кураш энг долзарб муаммолардан бирига айланиб улгурди. Бу ҳақда Президентимиз Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида гиёҳвандлик воситалари савдоси нафақат трансмиллий жиноят бўлибгина қолмай, балки халқаро террорчилик ташкилотларини молиялаштирувчи манба бўлиб қолаётганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигига урғу бериш орқали таъкидлаб ўтган.

Зотан, ижтимоий салбий иллатлардан бири бўлган гиёҳвандлик энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, нафақат республикаимиз, балки бутун дунёда кенг жамоатчиликни жиддий ташвишга солмоқда. Ушбу муаммонинг қай тартибда ўз ечимини топиши бутун инсоният эртасини белгилаб бериши унинг кўлами ҳақида тушунча беради. Шу сабабли гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашни ташкил этиш бутун жаҳон ҳамжамиятидан барча куч ва воситаларни бирлаштиришни тақазо қилмоқда. Инсоният эртаси учун гиёҳвандлик муаммосининг нечоғли долзарб аҳамият касб этишини таъкидлар экан, Президентимиз И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида “Биз ана шу иллатга қарши курашда кенг кўламли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Жаҳонда ишлаб чиқарилаётган моддаларнинг талайгина қисми Марказий Осиёда тайёрланганлиги ёки унинг орқали ташиб ўтилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Наркобизнеснинг транзит йўналишлари бир минтақада жамланишининг ўзиёқ мана шу даҳшатли ҳодисани тугатишда жаҳон ҳамжамияти ўз имкониятларини жамлаб ишга солиш учун етарли асос бўлади. Ўзбекистон барча манфаатдор мамлакатлар ва ташкилотлар билан бу борада ҳамкорлик қилишга тайёр”¹, деб таъкидлаган эди.

¹ Каримов И.А. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 55.

Дарҳақиқат, республикамиз худудидан наркотранзит сифатида фойдаланиб, олиб ўтилаётган гиёҳвандлик воситалари миқдорининг ҳам ошиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. “Табиийки, наркотик моддаларнинг бир қисми бизнинг минтақамизга сингиб кетмоқда. Бу эса жиноятчиликнинг ўсишига, ёшларнинг бузилишига, ҳатто миллатнинг генофонди айнишига сабаб бўлмоқда”¹ Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва Соғлиқни сақлаш муассасаларининг маълумотларига кўра, 2000 йилда доимий равишда гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчи фуқаролар 14400 нафар бўлган бўлса, 2001 йилнинг бошларида бу кўрсаткич 25 мингга яқинлашган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, гиёҳвандлик воситаларига ружу қўйганлар сони 2001 йилда 2000 йилга нисбатан 40 % га ортган. Республикамизда 2002 йилга келиб рўйхатга олинган гиёҳвандларнинг сони 38 мингга яқин кишини ташкил этган². Бироқ бу кўрсаткичлар республикамиздаги гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ ҳақиқий вазиятни тўлиқ акс эттирмайди. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг тезкор маълумотларига кўра, ҳақиқий аҳвол расмий рўйхатга олинганлар сонидан кўра 10-15 маротаба кўпдир³. Бундан ташқари ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга бўлган талаб ҳам тобора ортиб бормоқда. Таҳлиллардан кўринишича кейинги йилларда гиёҳвандликнинг ижтимоий негизи сифат жиҳатдан ўзгарди. Бу иллатнинг энг хавфли жиҳати шундаки, гиёҳвандлик вояга етмаганлар орасида ҳам кўпайиб, “ёшариб” бормоқда. Гиёҳвандлик воситаларига мойиллик ёшларда катта ёшлардагиларга нисбатан 6-8 марта тезроқ шаклланади⁴. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 437–438.

² Абдуллаев А. Проблемы борьбы с наркобизнесом и наркоманией в Республике Узбекистан. //Гиёҳвандликка қарши кураш: назарий ва амалиёт (ижтимоий–ҳуқуқий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий Амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 2002. – Б. 54.

³ Назаров Х. Наркобизнес минтақавий хавфсизликка таҳдид сифатида // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2010. – №1. – Б.25–27.

⁴ Павлова Т.А. Медицинские аспекты наркомании у детей и подростков // Международное сотрудни чество правоохранительных органов в борьбе с организова преступностью и

вазирлигининг маълумотларига кўра вояга етмаганлар орасида гиёҳвандлик иллатига чалиниш 2001 йилда 2002 йилга нисбатан 16 % га, 2003 йилда 2004 йилга нисбатан 16,5% га кўпайган.

Гиёҳванд моддалар ноқонуний савдосининг жадаллик билан ривожланиши бевосита ўтган аср охирларига бориб тақалиб, бу даврга келиб жаҳон миқёсида фаолият олиб борувчи йирик ва кудратли нарқобизнес гуруҳлари вужудга келди. Мазкур турдаги жиноятчилик билан шугулланувчи гуруҳлар гиёҳванд моддаларни экиш, етиштириш ва йиғиб олишдан тортиб токи уни истеъмолчига етказиб беришга қадар бўлган жараёнларни ўз зиммасига олди.

Халқаро валюта фонди мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, дунё иқтисодиётидаги умумий маблағнинг камида икки фоизи айнан шу жиноий гуруҳлар тасарруфида.

Баъзан гиёҳвандлик воситаларини татиб кўришга таклиф қилинадиган шахснинг хулқ-атвори нарқотикларнинг инсон руҳиятига таъсир қилиши ва гиёҳвандликнинг ўзига хос хавфли руҳий касаллик эканлиги ҳақидаги билимнинг мавжудлиги ёки йўқлиги билан белгиланади. Чунки бундай билимлар шахсда гиёҳвандликка қарши фаол муносабатнинг шаклланишига хизмат қилади. Гиёҳвандлик моддаси баъзан жамият (биринчи навбатда – ёш авлод)нинг нарқотикларга тобе бўлишидан манфаатдор бўлган шахсларга нарқобизнес билан шугулланувчи жиноий уюшмалар томонидан ушбу воситалар ҳақида турли “афсона”лар тарқатиш йўли билан қасддан ёйилади.

Россия Федерациясининг Нарқотикларни назорат қилиш федерал хизмати маълумотларига кўра, халқаро нарқомафия йилига ўртача 100 млрд АҚШ доллари қийматидаги афғон героинини реализация қилади ва бундан олган даромадларидан турли жиноий мақсадларда фойдаланади. Мисол учун, Афғонистондан Хорог (Тожикистон) - Ўш (Қирғизистон) трассаси буйича ва Ўшдан Бишкекка ҳамда у ердан Россияга етказилишида дастлаб опий ва кейинги ўринда героин катта даромад манбаи ҳисобланади.

Хусусан, 1 кг героиннинг нархи сифатига қараб ўртача ҳисобда Хорогда - 500-550 доллар бўлса, Ўшда - 1500, Бишкекда - 4000, Олма-Отада - 6000 долларгача кўтарилади¹.

Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш агентлиги маълумотларига кўра, мамлакат ҳудудида наркотикларнинг савдоси билан шуғулланувчи халқаро уюшган жиноий гуруҳлар янада фаоллашмоқда. Бугунги кунда биргина ушбу мамлакатнинг ўзида бевосита наркобизнес билан шуғулланувчи 31 дан ортиқ наркогуруҳ рўйхатга олинган.

Афғон наркотрафиги йўналишларида жойлашган ва бу иллатдан зарар кўраётган давлатларда наркобизнесга қарши курашиш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни жадаллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлишга интилиб келмоқда. Республикамизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ), ЮНЕСКО сингари нуфузли халқаро ташкилотларга сафига кириши мамлакатимиз жаҳон миқёсида эътироф этилишининг қонуний натижаси бўлди². Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан наркобизнесга қарши курашни ташкил этиш мақсадида, Шанхай Ҳамкорлиги Ташкилоти, Марказий Осиё, Россия, Озарбайжон давлатлари, шунингдек, БМТ ва МДҲ доирасида имзоланган 33 дан ортиқ кўптомонлама ва иккитомонлама шартнома ва битимлар доирасида халқаро ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Европа Ҳамжамияти ва БМТнинг Наркотик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси лойиҳалари доирасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бугунги кунда ушбу меъёрий ҳужжатлар асосида наркотик моддалари ноқонуний айланишининг олдини олиш ва уларга чек қўйиш мақсадида, халқаро доирада

¹ Назаров Ҳ. Наркобизнес минтакавий хавфсизликка таҳдид сифатида // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2010. – №1. – Б.25–27.

² Қадиров Ш. Гиёҳвандликка қарши курашга оид халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистон қонунчилигига татбиқ этиш // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2009. – №3. – Б. 144–146.

Ўзаро ҳамкорликда ишни ташкил этиш механизмлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилиб келинмоқда.

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи умумжаҳон савдосининг тахминан 8% ни ташкил қилмоқда. Кейинги йилларда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланадиган жиноий гуруҳлар фаолияти муайян давлат худудидан чиқиб трансмиллий наркосиндикатлар юзага келди. Трансмиллий наркосиндикатлар ўз эҳтиёжлари йўлида илмий техника тараққиёти натижаларидан фойдаланиши уларнинг техник-молиявий имконияларини оширмоқда¹. Уларнинг ўз жиноий фаолиятларида энг замонавий қурол ва воситалардан, электрон таъминот тизимидан, жумладан глобал ахборот тизими-интернетдан фойдаланишлари муаммонинг кўламини янада ортишига сабаб бўлмоқда. Маълумотларга кўра ҳар йили гиёҳванд жиноятчилардан умумжаҳон миқёсида 100 мингга яқин ўк отар қуроллар олиб қўйилмоқда. Бундан ташқари 500 дан ортик яширин учиш ва кўнишга мўлжалланган майдонлар аниқланмоқда, шунингдек наркосиндикатлар томонидан фойдланилаётган тахминан шунча учиш аппаратлари парвоз пайтида уриб туширилади ёки мусодара қилинади. Шунга қарамай ҳар куни ғайриқонуний юк ортилган 300 га яқин парвозлар амалга оширилмоқда². Ҳозирги вақтда жаҳонда йилига гиёҳвандлик воситаларларининг ғайриқонуний савдоси орқали олинган 300-800 млрд. АҚШ доллари ҳажмдаги маблағ легализация қилинади³.

Бундан ташқари, гиёҳвандликнинг ижтимоий хавфлилиги яна шунда намоён бўладики, гиёҳвандлик воситаларига қарамлик натижасида рўй берган инсон хулқ-атворидаги салбий ўзгаришлар туфайли, у криминоген омил бўлиб хизмат қилади. Гиёҳвандлик ва

¹ Противодействие незаконному обороту наркотических средств и психотропных веществ. Учебное пособие. – М.: “Щит-М”. 2001. – С.52.

² Калачев Б.Ф. Использование достижений ИТР в деятельности наркосиндикатов. Материалы научно–практической конференции “Федеральный закон «О наркотических средствах и психотропных веществах» и актуальные проблемы противодействия незаконному обороту наркотиков”.–М.,1998. – С.18.

³ Проблема организовавшей преступности в Канаде// Сигнальная информация ГИЦ МВД России. – 1999. – №5. – С.4.

жиноятчилик ўзаро алоқасининг ижтимоий-салбий хусусияти: гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш билан боғлиқ жиноий ҳаракатларнинг содир этилишида; гиёҳвандлар гиёҳвандлик воситаларини ёки уларни харид қилиш учун маблағларни эгаллаш мақсадида жиноятлар содир этилишида; гиёҳвандлик воситаларининг бевосита таъсирида (гиёҳвандлик воситалари билан мастлик ёки абстиненция ҳолатида) жиноятлар содир этилишида; гиёҳвандлар кўпинча жиноятлардан жабрланишида намоён бўлади¹.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотларига кўра, 1991 йилдагига нисбатан 2004 йилда гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятлар миқдори 4,5 баробарга ошган. Айниқса, 1995 йилда бундай жиноятлар кўпайган.

Кўшни Афғонистон опий етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туриши (бутун дунёда ишлаб чиқилган опийнинг 93%и Афғонистон ҳиссасига тўғри келади) ва ушбу гиёҳвандлик воситаларининг асосан хориж мамлакатларига сотиш учун мўлжалланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон ҳудуди ҳам гиёҳвандлик воситаларини ўтказишда транзит йўлларида бири ҳисобланади. Бу эса, республикамизга Афғонистон ва Тожикистон орқали гиёҳванд воситалар кириб келиши билан боғлиқ ҳолатларга қарши жиддий курашишни талаб қилади. Гиёҳванд воситалар ноқонуний савдосига жиноий унсурларнинг жалб қилиниши кучайиб бораётганлиги, умумий криминоген аҳволнинг ёмонлашуви, наркоманлар сонининг ортиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан 2004 йилда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 8538 та жиноят, 2005 йилда 8367 та жиноят, 2006 йилда 8834 та жиноят, 2007 йилда 9435 та жиноятлар аниқланган. Шу жумладан, 2007 йилда гиёҳванд воситаларни ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятлар 5157 тани, контрабанда 284

¹ Умарова Б. Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлиги // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2010. – №1. – Б.108–110.

тани, гиёҳвандлик билан боғлиқ бошқа жиноятлар 3993 тани ташкил этган¹.

2006 йилда гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар учун қўлга олинганларнинг 15,1%ни аёллар, 23,3%ини 14-29 ёшлилар ташкил қилган. Республика судлари томонидан 2006 йилда гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 4367 та жиноят ишлари кўриб чиқилган ва натижада 5490 киши жиноий жавобгарликка тортилган. Шундан тақиқланган экинларни етиштирганлик учун 621 киши, ўтказганлик учун 2305 киши, контрабанда учун 122 киши, ўтказиш мақсадини кўзламай сақлаганлик учун 2021 киши ташкил қилган².

Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш билан билан боғлиқ жиноятлар сонига контрабанда йўли билан гиёҳвандлик воситаларининг кириб келиши жиддий таъсир кўрсатади. 2005 йилда гиёҳвандлик воситалари ноқонуний савдоси билан боғлиқ жиноятлар учун 139 та хориж фуқаролари қўлга олинган, улардан олинган героин 80,103 кг ни ёки республика бўйича қўлга олинган жами героиннинг 17,2%ини ташкил этган бўлса, 2007 йилда 192 та хориж фуқаролари ушланиб, улардан 601 кг турли гиёҳвандлик воситалари ёки республика бўйича ушланган жами гиёҳвандлик воситаларининг 28,4 % олинган³.

Мухтасар қилиб айтганда, гиёҳванд моддаларга қарши кураш нафақат бирон-бир давлат ёки унда фаолият юритувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вазифаси бўлмасдан, балки бутун жамият учун бирдай масъулиятли вазифа бўлмоғи лозим. Зеро, шундагина кутилган натижа ўзининг самарасини беради.

¹ Информационный бюллетень о наркоситуации. Центрально-азиатский регион. 2008. – С. 66

² Информационный бюллетень о наркоситуации. Центрально-азиатский регион. 2007. – С. 95.

³ Умарова Б. Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2010. – №1. – Б.108–110.

2.5. Компьютер жиноятчилиги

Компьютер технологияларининг шиддат билан ривожланиши ҳамда уларнинг ҳаётимизнинг турли соҳаларида кенг қўлланиши натижасида инсоният ахборотлаштиришнинг янги асрига қадам қўйди: ҳозирда компьютер тизими ва тармоқлари давлат ва инсон ҳаётининг турфа соҳаларини қамраб олган.

Чунончи, XX аср техника юксак тараққий этган аср бўлди, инсоният ҳаётига мисли қўрилмаган кашфиётлар кириб келди. XXI асрни том маънода ахборот асри деб аташимиз мумкин. Чунки ўтган асрда бошланган техника-технология тараққиёти бугунга келиб, такомиллашишда давом этаётганлигининг гувоҳи бўляпмиз¹.

Бирок, компьютер воситалари билан боғлиқ жиноятчилик ахборот тизими хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда ҳамда улардан фойдаланувчилар ва давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига жиддий зарар етказмоқда. Зеро, бугунги кунда компьютер жиноятчилиги жабрланувчиси нафақат алоҳида фуқаролар балки бутун бошли давлатлар ҳам бўлиши мумкин. Компьютер соҳасида содир этиладиган жиноятчилик компьютер тармоқлари фойдаланувчилари миқдорига монанд равишда кескин ошмоқда ҳамда Интерпол маълумотларига биноан, заминимизда энг тез ўсаётган жиноятчилик тоифаси ҳисобланади.

БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов муаммоларига бағишланган 2005 йил апрелда бўлиб ўтган XI Конгрессда компьютер воситаларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларга алоҳида эътибор қаратилди: ушбу масала кун тартибига қўйилди ҳамда трансчегаравий уюшган жиноятчиликка қарши кураш чоралари самарадорлигини ошириш муаммоси доирасида муҳокама этилди. Ушбу конгрессда кибержиноятчиликнинг ўзига хос хусусиятлари ва унга қарши курашда комплекс ёндашув ишлаб чиқиш зарурлиги, шунингдек,

¹ Сафаров Ж.И., Салаев Н.С. Компьютер жиноятчилиги: унга қарши курашнинг долзарблиги. // Ҳаёт ва қонун. 2005. №1. – Б. 66.

БМТ аъзо-давлатлари жиноят қонунчилигини зудлик билан янгилаш зарурлигини зикр этилди. БМТ ушбу конгресси натижаси сифатида қабул қилинган Бангкок декларациясида ҳам кибержиноятчиликка қарши курашда миллий чоралар ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масаласининг алоҳида эътироф этилганлиги ушбу муаммонинг нақадар долзарблигидан далолат беради.

Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларида “компьютер жиноятчилиги” тушунчасига борган сайин кўпроқ дуч келишимиз мумкин. Бундай эътибор бежиз эмас, албатта. Зотан, бугунги кунда амалда ҳар қандай соҳани – ахборот, алоқа, савдо-саноат, банк, биржа операциялари ва ҳ.к.ни компьютерлар иштирокисиз тасаввур этишимиз мушкул. Ҳозирда жамиятининг барча муҳим функция ва вазифалари компьютер, компьютер тармоқлари ҳамда компьютер ахборотларига у ёки бу даражада боғлиқ бўлиб қолган.

БМТ жиноятчилик бўйича кўмитасининг ушбу жиноятларни терроризм ва гиёҳвандлик жиноятлари билан бир ўринда қўйиши, уларнинг беҳатар ҳамда даромадли эканлиги уларни янада хавфли тус олишини таъкидлайди. Дарҳақиқат, компьютер ва ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайдиган замонавий жамият учун компьютер жиноятчилигига қарши кураш бирламчи вазифалардан бирига айланди. А.С.Белоусов ҳақли равишда ижтимоий сўровлар, суд материаллари ва олимлар кузатувлари дунё ҳамжамияти ушбу соҳада жиддий муаммога дуч келаётганлигини ва ривожланган мамлакатларда кибержиноятчилик минглаб ҳуқуқбузарликлар билан, унинг иктисодий зарари эса миллиардлаб АҚШ доллари билан ўлчанаётганлигини таъкидлайди¹.

Боз устига, қонунчилик ва давлат тизимида компьютер жиноятчилигига қарши курашнинг мукамал механизми мавжуд эмаслиги вазиятни янада мушкуллаштиради².

¹ Белоусов А.С. Некоторые аспекты расследования компьютерных преступлений // Сборник научных трудов международной конференции “Информационные технологии и безопасность”. Выпуск 3. – Киев: Национальная академия наук Украины, 2003. – С. 13-22.

² Баранов О. Цифровое законодательство // Дзеркало тижня. – № 20 (395). – 1–7 червня 2002 р.

Шундай қилиб, компьютер ахборот тизимларининг жамият ҳаётидаги ўрни, улардан фойдаланиш ва қайта ишлашдаги қўламнинг ошиб бораётганлиги, Интернет глобал тармоғи фойдаланувчилари сони ортиб бораётганлиги, бу борада давлат бошқарув органлари фаолиятига ҳам компьютер тармок ва тизимларининг жадал кириб келаётганлигини инобатга олиб, ушбу тизимларни ва ахборотларни жинойий тажовузлардан химоя қилишдек долзарб муаммо юзага келади.

Компьютер жиноятчилиги – бу фақатгина ўзгалар мулкини талон-тарож қилишгина бўлиб қолмай, электрон вирусларни тарқатиш ва бошқа жинойий ҳаракатларни ҳам қамраб олади. МДХ давлатлари микёсида олиб қарайдиган бўлсак, бугунги кунда шахсий компьютерга эга бўлган оддий фойдаланувчиларга ҳам сир эмаски, зарарли дастурлар сўнги йилларда оддий аҳволга айланиб қолди. Мутахассислар томонидан 2008 йилдан бошлаб уларнинг ҳажми ўн баровар ошиши башорат қилинганлиги эса аҳволни нақадар ёмонлашаётганлигидан далилат беради. Биргина Россия Федерациясида ҳар ойда иккитадан ўнтагача янги вируслар ҳаракатга туширилади. Бугунги кунда дунёда беш мингга яқин турфа вируслар мавжуд бўлиб, уларнинг яратилишида Собик Иттифок таркибидаги давлатлар улуши улкан¹. 2000 йилда компьютер вирусларини тадқиқ этиш, вируслар 10 миллиард доллар атрофида зарар етказганлигини аниқлаш имконини берди. 2000 йил 8 июнда “БиБиСи”да Уорлд Ньюз “love” вирусидан 45 миллион компьютерлар зарар кўрганлигини ҳамда улар сирасида Пентагон, МҚБ ва Британия ҳукумати ҳам бўлганлигини қайд этади. Ушбу вирусдан кўрилган зарар 8,75 миллиард долларни ташкил этади².

¹ Соловьев Л.Н. Расследование преступлений, связанных с созданием, использованием и распространением вредоносных программ для ЭВМ. Автореф. дисс. на соискание ученой степени канд. юрид. наук. – Москва, 2003. – С. 4.

² Батафсил каранг: Коняевский В.А., Лопаткин С.В. Компьютерная преступностью. В 2-х томах. Т.1. – М.: РФК – Имидж Лаб, 2006. – С.109–187.; Безруков Н.Н. Компьютерная вирусология. – Киев, 1990 ва б.к.

А.К.Расулев¹ Швеция ва Ўзбекистон жиноят қонунларининг компьютер жиноятчилигига оид нормаларини таққослар экан, жиноят таркиблари мазмунан бир хил бўлиб, турлича шакллантирилганлигини таъкидлайди. Бунда муаллифнинг айнан талон-тарож жиноятлари билан боғлиқ нормаларни фарқлаш мезони сифатида кўрганлигини қайд этиш зарур. Хусусан, тадқиқотчи Ўзбекистон Жиноят қонунида ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата қилиш (167-м., 3-қ., “г” б.) ва компьютер тизимига ноқонуний кириш орқали ўзгалар мулкини ўғирлаш (169-м., 3-қ., “б” б.) жиноятлари учун жавобгарлик белгиланганлигини эътироф этади.

Ушбу жиноятчиликнинг мунтазам ошиб бориши сабабларидан бири жиноят натижасида қўлга киритиладиган пул миқдори ҳисобланади: айти дамда банкни ўмаришдан келган зарар ўртача 19 минг. АҚШ долларини ташкил этса, компьютер жиноятчилиги келтирган зарар эса ўртача 560 минг АҚШ долларини ташкил этади².

Компьютер жиноятчилиги натижасида қўлга тушиш имконияти банкни ўмаришдан кўра анча камроқ бўлиб, ҳаттоки қўлга тушганда ҳам узоқ муддат озодликдан маҳрум этилиши даргумон. Компьютер жиноятчилигидан ўртача атиги бир фоизи очилиши ҳам сўзимизни тасдиқлайди.

В.А.Номоконов ҳам компьютер ва ахборот соҳасидаги жиноятчилик шиддат билан ривожланаётганлигини таъкидлаб, Россия Федерациясида 2003 йилда бундай ҳуқуқбузарликлар етти ярим мингдан зиёд содир этилганлигини ҳамда бу кўрсаткич 2002

¹ Расулев А.К. Компьютерные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Дисс. на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2005. – С. 78.

² Тропина Т.Л. Киберпреступность: понятие, состояние, уголовно-правовые методы борьбы. Автореф. дисс. на соискание ученой степени канд. юрид. наук. – Владивосток, 2005. – С. 12.

йилга нисбатан икки мартаба кўпроқ эканлигини¹, бошқа мамлакатлардаги вазият ҳам худди шундай эканлигини қайд этади².

Келтирилган маълумотлар компьютер жиноятчилигининг ҳам миқдор ва ҳам сифат жиҳатидан шиддат билан ўсаётганлигини ҳамда шунга монанд равишда ушбу жиноятларга қарши курашда қонунчилик базасини муқим такомиллаштириб бориш зарурлигини кўрсатади.

Ахборот хавфсизлиги базасини яратиш ҳар қандай давлат учун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий соҳа ривожланишида ахборотни муҳофаза қилиш бўйича талабни қаноатлантирувчи зарурий чора ҳисобланади. Ғарб давлатларида айниқса, сўнги йилларда келиб шиддат билан кўпаяётган “ахборот” жиноятчилигига қарши кураш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Буларнинг барчаси Ғарб давлатларини ахборотни муҳофаза қилиш қонунчилиги масаласи бўйича жиддий шуғулланишга ундади, десак янглишмаймиз. Хусусан, АҚШ мисолида олиб кўрадиган бўлсак, ушбу соҳадаги илк қонунчилик ҳужжати 1906 йилда қабул қилинган бўлса, бугунги кунга келиб ахборотни муҳофаза қилиш, ахборотни ошкор қилганлик ва компьютер жиноятчилиги учун жавобгарлик бўйича 500дан зиёд қонунчилик ҳужжатлари мавжуд.

Компьютер жиноятчилигини жиноятчиликнинг бир кўриниши сифатида тадқиқ этиш борасида тадқиқотчилар турли-туман фикр ва мулоҳазалар билдирадилар. Масалан, Ю.М.Батурич “компьютер жиноятчилиги юридик жиҳатдан жиноятчиликнинг алоҳида гуруҳи сифатида мавжуд эмас, балки кўплаб анъанавий жиноятлар улар сирасига ҳисоблаш техникасининг кириб келиши эвазига модификацияланган, шу боис уларни махсус гуруҳга ажратмай, жиноятчиликнинг компьютерга оид жиҳатлари хусусида сўзлаш маъқул”³, деб таъкидлайди.

¹ Преступность в России начала XXI века и реагирование на нее. – М., 2004. – С. 104.

² Номоконов В.М. Новые информационные технологии в борьбе с преступностью: www.crime.vl.ru

³ Батурич Ю.М. Проблемы компьютерного права. – М.: Юрид. лит., 1991. – С. 27.

Бошқа нисбатан ишончли нуқтаи назарни А.Н.Караханьян илгари суради. У компьютер жиноятчилиги деганда, содир этиш объекти ёхуд воситаси электрон ҳисоблаш машиналари бўлган қонунга хилоф бўлган хатти-харакатларни тушунади¹. Дарҳақиқат, компьютер жиноятчилиги бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу уларни жиноятчиликнинг алоҳида гуруҳига умумлаштириш имконини беради: 1) тажовуз объектнинг хилма-хиллиги; 2) компьютер технологиялари ва маълумотларининг жиноят объекти ва айни пайтда жиноят содир этиш усули сифатида намоён бўлиши; 3) жинойий тажовуз предмети ва усулларининг турли-туманлиги; 4) компьютернинг жиноят предмети ёки жиноятни содир этиш воситаси сифатида намоён бўлиши². В.А.Милашев ҳам юқоридаги фикрни тўлдирган ҳолда, ҳуқуққа хилоф ҳаракатни маълум масофа узокликда туриб содир эта олиш имконияти, жиноят содир этишнинг тезкорлиги ва бунда ўз шахсини яширинлигини таъминлай олишлиги ушбу жиноятнинг сўнгги йилларда фаоллашишига имкон яратмоқда³, деб қайд этади.

Шу маънода, компьютер жиноятчилигини алоҳида гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу ушбу жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади, деган хулосага келишимиз мумкин.

Компьютер жиноятчилиги мазмунан кўплаб турдаги жиноятларни қамраб олади. Улар орасида ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-тарож қилиш алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу жиноятларнинг компьютер жиноятчилиги тизимида улуши улкан бўлиб, уларни тадқиқ этишни компьютер жиноятчилиги таснифидан бошлаш маъқул бўлиб, бу ушбу жиноятларнинг компьютер жиноятчилиги тизимидаги ўрнини аниқ-равшан англаш учун муҳимдир.

¹ Некоторые аспекты компьютерной преступности // Проблемы преступности в капиталистических странах. М.: ВИНТИ, 1990. – № 6. – С.12–13.

² Селиванов Н.А. Проблемы борьбы с компьютерной преступностью // Законность. – №8. –1993.– С.36–40.

³ Милашев В.А. Проблемы тактики поиска, фиксации и изъятия следов при неправомерном доступе к компьютерной информации в сетях ЭВМ. Автореф. дисс. на соискание ученой степени канд. юрид. наук. – Москва, 2004. – С. 3.

А.А.Ортиқов, А.Т.Исаходжаев ва А.В.Шестаковлар ушбу жиноятлар куйидагича таснифланишини қайд этадилар: 1) жисмоний суистеъмолликлар (анжомларни бузиш, йўқотиш, дастур ёки ахборотни йўқ қилиш ва ш.к.); 2) операцион суистеъмоллик (фирибгарлик, санкциясиз компьютер маълумотларидан фойдаланиш); 3) дастурлар бўйича суистеъмоллик (вирус ва зарарли дастурлар тарқатиш); 4) электрон суистеъмоллик (дастурни ноқонуний ўзгартириш)¹.

Суданлик мутахасис Мудави Мухтар ушбу масала хусусида тўхталар экан, айрим ҳолларда кибержиноятчилик деб аталадиган компьютер жиноятчилигини бугунги жамиятимиз учун йирик муаммо эканлигини таъкидлайди. Муаллиф ривожланган мамлакатларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тўкнашаётган энг йирик муаммо компьютер технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар эканлигини қайд этади ҳамда компьютер жиноятчилигининг икки тоифасини фарқлайди:

а) компьютер жиний фаолиятни амалга оширишда ёрдамлашувчи восита сифатида фойдаланиладиган жиноятлар (масалан, сохта гувоҳнома яшаш, муаллифлик ҳужжатларини ишлаб чиқариш ва ш.к.);

б) компьютер маълумотни ўғирлаш ёки бузиш, банкка ҳужум қилиш, қонунга хилоф пул операцияларини амалга ошириш, кредит карточкалари рақамларини ўғирлаш мақсадларида ҳамда жиноят қуроли сифатида фойдаланиладиган жиноятлар².

Бироқ назаримизда, компьютер соҳасидаги жиноятларни фақатгина ундан восита ёки қурол сифатида фойдаланишни назарда тутган ҳолда чегаралаш бироз ноўрин ва тор мазмун касб этади. Шу маънода, муаллифнинг ушбу таснифига қўшила олмаймиз.

Инглиз олими Н.Батлей эса, компьютер жиноятчилигининг икки турини ажратиб кўрсатади: биринчисида компьютер жиноят

¹ Ортиқов А.А., Исаходжаев А.Т., Шестаков А.В. Хуфёна иктисодиёт: Ўқув қўллашмаси. / Маъсул муҳаррир ю.ф.д., проф. У.Гаджиханов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. – Б. 148–149.

² Мухтар М. Киберпреступность. // Владивостокский центр исследования организованной преступности: www.crime.vl.ru

объекти сифатида, иккинчисида эса жиноят воситаси сифатида кўрилади. Биринчи ҳолатда бу компьютер ва унинг қурилмаларини ўғирлаш, хакерлар ҳужуми ва турли-туман вирус ва зарарли дастурларни тарқатиш ва ш.к.; иккинчи ҳолатда эса – порнографик маҳсулотлар ва ноқонуний компьютер дастурларини ўтказиш, Интернетда ўзгалар мулкани ўзлаштириш мақсадида фирибгарлик қилиш, шунингдек, ноқонуний олинган даромадни легаллаштириш қабилар киритилган¹.

АҚШ Адлия вазирлиги томонидан компьютер жиноятчилигининг қуйидаги турлари ўзаро фаркланган: ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-тарож қилиш, компьютер фирибгарлиги, компьютер тизимига рухсатсиз ундаги маълумотларни ўзгартириш ёки бузиш мақсадида кириш, компьютер тизимларига ва маълумотлар базасига ноқонуний кириш.

И.А.Клепицкий² эса, компьютер жиноятларининг қуйидаги криминологик гуруҳларини фарқлайди: иқтисодий компьютер жиноятлари; шахсий ва дахлсизликка бўлган ҳуқуқларга қарши компьютер жиноятлари; давлат ва жамият манфаатларига қарши компьютер жиноятлари. Муаллиф ушбу таърифни келтирар экан, улар орасида энг кенг тарқалгани ва энг хавфлиси сифатида иқтисодий компьютер жиноятлари бўлиб, улар ўз ичига компьютер фирибгарлиги, компьютер воситаларидан фойдаланиб содир этиладиган анъанавий иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни кўрсатади. Шунингдек, тадқиқотчи иқтисодий компьютер жиноятларини асосан ғаразли мотивларда ташкилот хизматчилари томонидан, айрим ҳолларда бошқа шахслар томонидан компьютер тизимларидан фойдаланган ҳолда содир этилишини қайд этади.

Интерпол Бош котибияти томонидан ҳам компьютер жиноятчилигининг махсус кодлаштирилган тизими ишлаб чиқилган бўлиб, 1991 йилда ушбу тизим автоматлаштирилган

¹ Батлей Н. Компьютерная преступность: Пер. на кит. язык Хао Хайян. Изд-во Ляонинского просвещения, 1998. – С. 29.

² Уголовное право России. Особенная часть: Учебник / Отв. ред. доктор юридических наук, профессор Б.В.Здравомыслов. – М.: Юристъ, 1996. – С.346-347.

қидирув тизимида жорий этилиб, бугунги кунда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида амал қилиб келмоқда. Бунда компьютер жиноятчилигини тавсифловчи барча кодлар Q ҳарфи билан бошланади. Жиноятни тавсифлаш учун бештагача коддан фойдаланиш мумкин: **1)** QA - берухсат кириш ва ўзлаштириш: QAN - компьютер абордажи; QAI - тутиб олиш; QAT - вақтни ўғирлаш; QAZ - берухсат кириш ва ўзлаштиришнинг бошқа шакллари; **2)** QD - компьютер маълумотларичи ўзгартириш: QUL - мантиқий бомба; QDT - троя оти; QDV - компьютер вируси; QDW - компьютер “чувалчанги”; QDZ - маълумотларни ўзгартиришнинг бошқа шакллари; **3)** QF - компьютер фирибгарлиги: QFC - банкоматлар фирибгарлиги; QFF - компьютердан фойдаланиб сохталаштириш; QFG - ўйин автоматлари билан боғлиқ фирибгарлик; QFP - тўлов воситалари фирибгарлиги; QFT - телефон фирибгарлиги; QFZ - бошқа компьютер фирибгарликлари; **4)** QR - ноқонуний кўчириш: QRG - компьютер ўйинлари; QRS – бошқа дастурий таъминотлар; QRZ - бошқача ноқонуний кўчириш; **5)** QS - компьютер саботажи: QSH - таъминловчи қурилмалар билан; QSS - таъминловчи дастурлар билан; QSZ - саботажнинг бошқа шакллари; **6)** QZ - бошқа компьютер жиноятлари: QZB - компьютер эълон ёзувларидан фойдаланиш; QZE - тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни талон-тарож қилиш; QZS - махфий маълумотларни тарқатиш; QZZ - бошқа компьютер жиноятлари.

Содир этиладиган жиноятларнинг тахлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

- кўшгина хисоблаш тармоқларида фойдаланувчи исталган ишчи ўриндан тармоқда уланиб фаолият кўрсатиши мумкин. Натижада жиноятчи бажарган ишларни қайси компьютердан амалга оширилганини аниқлаш қийин бўлади.

- ўғирлаш факти одатда кеч аникланади, шу боис унга қарши кураш самарадорлиги пасаяди;

- жиноят натижасида мулк эмас, балки маълумотларга нисбатан мулкчилик ҳуқуқи йўқотилади;

- маълумотларни қайта ишлаш жараёнида йўл қўйилган хатолик ўз вақтида кузатилмайди ва тузатилмайди, натижада келгусида содир бўладиган хатоларнинг олдини олиб бўлмайди;

- содир этиладиган компьютер жиноятлари ўз вақтида эълон қилинмайди (ҳисоблаш тармоқларида камчиликлар мавжудлигини бошқалардан яшириш, муассаса ишчанлик обрўйини сақлаб қолиш ва б.қ. мақсадларда).

Ушбу камчиликларни бартараф қилишда ва компьютер жиноятларини камайтиришда қуйидаги чора-тадбирларни ўтказиш зарур: персонал масъулиятини ошириш; ишга қабул қилинадиган ходимларни текширувдан ўтказиш; муҳим вазифани бажарувчи ходимларни алмаштириб туриш; пароль ва фойдаланувчиларни қайд қилишнинг самарали тизимини йўлга қўйиш; маълумотларга эгаллик қилишни чеклаш; маълумотларни шифрлаш ва ҳ.к.

3-БОБ. ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

3.1. Трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш

Трансмиллий жиноятчилик ривожланишининг бугунги тенденцияси дунё иқтисодиётининг глобаллашуви жараёни, янги технология ва коммуникация тизимларининг юзага келиши ва мунтазам ривожланиб бориши, давлат бошқарув ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида коррупция даражаси ҳамда минтақада мазкур органларнинг жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги каби омиллар билан белгиланади¹.

Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари трансмиллий жиноятчилик турларига қарши курашда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйган, бу борада халқаро жиноятчиликка қарши курашни кўзда тутовчи бир қатор халқаро-ҳуқуқий (конвенция, икки томонлама шартнома ва келишувлар) ҳужжатлар имзоланган ва миллий даражада зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, ҳамкорлик даражаси жиноятчилик таҳдидига мутаносиб эмас².

Шунингдек, трансмиллий жиноятчиликка қарши курашда улар устидан назорат ўрнатиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- БМТ доирасида тушунчалар аппаратининг, биринчи навбатда жиноятчилик индексининг (одам ўлдириш, босқинчилик ва б.к.) ягона мезонини ишлаб чиқиш ва уларни миллий қонунчиликка инкорпорация қилиш;

¹ Лунеев В.В. Проблемы международного криминологического сотрудничества // “Международное сотрудничество в сфере борьбы с транснациональной преступностью и коррупцией” материалы международной научно-практической конференции 30-31 марта 2000 г. – Екатеринбург, 2000. – С.12-13.

² Баранник И.Н. Транснациональная организованная преступность: дефиниции и реальность: монография. – Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та, 2001. – С. 425–430.

- БМТда айнан МДХ давлатларида трансмиллий жиноятчилик ҳолати бўйича ҳисобот тақдим этилишини йўлга қўйиш ҳамда унда трансмиллий жиноятчилик элементларига алоҳида урғу бериш.

Минтакавий даражада эса, трансмиллий жиноятчиликка қарши курашда қуйидаги чора-тадбирларни кўриш зарур:

- давлатлараро жиноятчиликка қарши кураш ҳамда жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам бўйича ҳамкорликни янада кучайтириш;

- Интерпол ресурсларидан янада унумли фойдаланишни таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг МДХ ва Хитой, Япония, Корея сингари давлатлар билан тўғридан-тўғри халқаро алоқа қилиш амалиётини янада кенгайтириш, ушбу давлатлар билан учрашув, семинар, конференция, ахборот алмашиш тадбирларини ташкил этиш орқали тажриба ва билим алмашиш;

- ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва жиноятчиларни тутиб бериш, талабнома ижро этиш учун кетадиган муддатларни қисқартириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамкорлигида юқори технологияларни кенг қўллашни таъминлаш;

- биргаликда тезкор-қидирув ишлари олиб боришни йўлга қўйиш;

- МДХ мамлакатлари иштирокида трансмиллий жиноятчиликка қарши курашга бағишланган минтакавий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш.

3.2. Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий муаммолари: миллий тажриба ва халқаро ҳамкорлик

Бугунги кунда трансмиллий жиноятчилик бир неча ёки барча давлатларнинг манфаатлари ва ҳолатларига дахлдор бўлиб, бунинг натижасида халқаро ижтимоий хавф туғдиради. Шунинг учун бундай ҳоллар давлатлар ўртасидаги шартнома бўйича трансмиллий жиноятчилик деб тан олинади ҳамда уларга қўп

томонлама Конвенцияларда тегишли халқаро ҳуқуқий баҳо берилади. Мазкур турдаги жиноятларни тартибга солувчи халқаро Конвенцияларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: “Халқаро химоядан фойдаланувчи шахслар дахлсизлиги”; “Халқаро химоядан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан, дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятчиларни жазолаш тўғрисида”ги 1970 йилги Конвенция (1977 йили кучга кирган); 1970 йилги “Ҳаво кемаларини қонунга зид равишда эгаллашга қарши курашиш тўғрисида”ги Гаага Конвенцияси; “Фуқаро ҳаво кемаси хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги 1971 йилги Монреаль Конвенцияси; “Денгизда қароқчиликнинг олдини олиш тўғрисида”ги, 1958 йилги “Очиқ денгиз тўғрисидаги Конвенция; “Денгизни зарарли чиқиндилар билан ифлослантмаслик тўғрисида”ги 1958 ва 1982 йилги “Очиқ денгиз тўғрисида”ги Конвенция; 1972 йилги “Денгизни чиқитлар ва бошқа захарли чиқиндилар билан ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича” Қонвенция; “Ядро материалларини қонунга зид равишда қўлга киритиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Конвенция; “Наркотик ва руҳий касалликлар келтириб чиқарувчи моддалар билан қонунга зид операциялар тўғрисида”ги 1961 йилги “Наркотик воситалар тўғрисида”ги Конвенция; “Психотроп моддалар тўғрисида”ги 1971 йилги Конвенция; “Пул белгиларини қалбакилаштириш тўғрисида”ги, 1929 йилги “Пул белгиларини қалбакилаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги халқаро Конвенция; “Қулчилик ва қул савдосининг бошқа шакллари тўғрисида”ги Конвенция; “Қулчиликни, қул савдосини ва шунга ўхшаш институт ва одатларни бекор қилиш тўғрисида”ги 1958 йилги қўшимча Конвенция; “Инсон устидан савдо қилишга ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида”ги 1950 йилги Конвенция¹.

Хулоса тариқасида эътироф этиш лозимки, халқаро жиноят ҳуқуқи трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш борасида

¹ Маткаримова Г.А. Халқаро жиноят ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Маъсул муҳаррир: И.М.Умархунوف. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б.17–18.

давлатлар қонунчиликларини уйғунлаштириш вазифасини амалга оширади. Шу мақсадда, халқаро жинойят ҳуқуқи доирасида бир қатор халқаро конвенциялар ишлаб чиқилиб, уларда давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларидан ташқари, конвенцияга қўшилган давлатлар учун мажбурий бўлган халқаро ҳуқуқбузарлик тушунчалари ва таснифи ўзининг аксини топади. Аммо бугунги кунда халқаро жинойят ҳуқуқи асосида давлатлар қонунчиликларини уйғунлаштириш жараёнлари силлик кечаяпти деб айтиб бўлмайди. Давлатлараро ҳамкорликнинг ушбу соҳаси бир қатор муаммоларга дуч келиб, мазкур муаммолар 21 асрнинг энг хатарли таҳдиди халқаро терроризм билан боғлиқ бўлганлигини ачинарли ҳолдир. Зеро, олимлар томонидан эътироф этилишича, агарда мазкур муаммога барҳам бериш борасида инсоният томонидан тегишли аксилчоралар мажмуи кўрилмаса, ана шу бало кетида инсоният йўқ бўлиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу маънода халқаро жинойят ҳуқуқининг жинойтчиликка қарши кураш борасида давлатлар қонунчиликларини уйғунлаштирувчи соҳа олдида биринчи навбатда давлатлараро иродаларни ягоналаштириш, террорчилик иллоти бўйича бир самарали тўхтамга келиш долзарб вазифа бўлиб қолаётир.

Ҳуқуқшунос М.А.Ражабова ўтган асрдан йигирма биринчи асрга трансиллий ташкилий жинойтчиликнинг учта энг хавфли тури “мерос” бўлиб ўтди, улар терроризм ва дин ниқоби остидаги зўравонлик руҳий куч ишлатиш, яъни, эстремистик, фундаменталистик, сепаратистик хуружлар туради. Кейингиси эса нарқобизнес ва энг сўнггиси одам савдоси, трафик билан шуғулланувчи йирик-йирик жинойтчи ташкилотлардир¹, деб таъкидлайди.

Биргина мисол, одамлар савдоси муаммолари бўйича 1999 йил 28 июлда Вашингтонда бўлиб ўтган Конгрессда одамлар савдосига қарши курашувчи умум жаҳон ташкилоти директорининг вакили Анити Ботти ҳар йили бир давлатдан иккинчи давлатга бир миллиондан ортиқ киши олиб чиқилиши тўғрисида фикр

¹ Ражабова М. Инсон шаъни қонун ҳимоясида // Халқ сўзи. 2008 й. 28 март. №62.(4472)

билдирган. Унинг берган маълумотига кўра, 1997 йилнинг ўзида Шарқий Европа ва МДХ давлатларидан Европа, Осиё, Шимолий Америкага 175000¹ аёллар ўтказилган. Худди шундай маълумотлар Россия Федерал хавфсизлиги хизмати маъсул ходими В.С. Овчинскийнинг ҳисоб-китобида тилга олинган бўлиб, одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий уюшма ҳар йили бир миллиондан ортиқ муҳожирни ноқонуний йўл билан бошқа давлат ҳудудига ўтказиш билан боғлиқ жиноий фаолиятдан олинаётган даромад 3,5 млрд. АҚШ долларидан ошади². Бугунги кунга келиб дунё бўйича одам савдоси жиноятдан тушаётган пул айланмаси тўрт баравардан ошиб кетган. Янада аниқроқ қилиб айтганда, БМТ халқаро жиноятларнинг олдини олиш Маркази экспертларининг фикрича, одам савдосидан тушган даромаднинг жаҳон миқёсидаги айланмаси ҳозирги кунда 12 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда³.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда халқаро жиноятчилик бошқа мамлакатлар каторида бизнинг давлатимизга ҳам хавф солиб турибди. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Саммитида 2003 йил 29 майдаги нутқида, “ҳозирги халқаро ҳамжамият олдида камбағаллик, аҳолини иш билан таъминлаш, миграция, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётдаги ечилмаган муаммолар турганини”⁴ таъкидлар экан, бу жиноят турини ҳам назарда тутгани табиий.

Ўзбекистонда жиноий уюшмалар ёки жиноий гуруҳларнинг жиноий фаолиятига барҳам бериш учун қонунчилик базасини мустаҳкамлаш юзасидан салмоқли чоралар кўрмоқда. Бу биринчи навбатда 1949 йил 2 декабрдаги БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 317(ҮІ) – сонли резолюцияси билан маъқулланган ва 1951 йил 25

¹ Картуш А. Руководящие принципы по пересмотру законодательства против торговли людьми. – М., 2001. – С.46-47.

² Транснациональная организованная преступность: дефиниции реальность. – Владивосток, 2001. – С. 185.

³ Карачеева Е. Красавицы–рабыни // Аргументы и факты.–2004. № 8. – С. 6.

⁴ Каримов И.А. Биз танлаган йўл–демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. II–сон. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – Б. 274–280.

июлда кучга киритилган “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциянинг¹ Ўзбекистон Республикаси томонидан 2003 йил 12 декабрда ратификация қилиниши, бўлса, иккинчидан 18 апрель 2008 йилда қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилганлиги бўлди.

Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан фойдаланилишига қарши курашга доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларнинг Ўзбекистон томонидан бажарилишини таъминлаш мақсадида амалдаги Жиноят кодексимизда (135-модда) одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш жинояти 2008 йилда янги таҳрирда одам савдоси учун жиноий жавобгарлик ўрнатилди.

Мазкур норма, халқаро одам савдоси кўринишидаги ушбу жиноятга қарши курашишнинг самарали чораларини ишлаб чиқиш ҳамда жиноят қонунчилигида одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш жинояти учун жавобгарликнинг мавжудлиги ва ушбу жиноятнинг янги кўринишларига қарши курашишнинг ўта таъсирчан ва самарали ҳуқуқий негизи ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида бундай турдаги жиноятларга қарши курашишда замонавий усулларни ишлаб чиқишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот Марказидан олинган маълумотга кўра, 2006 йил фақатгина тўққиз ой давоимда Жиноят кодексининг 135-моддаси, яъни одамларни эксплуатация қилиш учун чет давлатга олиб чиқилган шахслар жами 409 тани ташкил этган. Шулардан 141 нафари Қозоғистонга, 132 нафари Россияга, 57 нафари Бирлашган Араб Амирлигига, 17 нафари Кореяга, 12 нафари Қирғизистонга, 6 нафари Бахрайн ва Хитойга, 5 нафари Доғистонга, 3 нафари Таиландга, 2 нафари Туркия ва Покистонга, 1 нафари Малайзия ва Исроилга алдов йўли

¹ Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг № 576–II –сонли қарорига асосан 2003 йил 12 декабрда қўшилган.

билан олиб чиқилган. Ўзбекистоннинг ўзида 24 нафари эксплуатация қилинган. Ёлланганларнинг 137 тасини эркаклар, 272 тасини аёллар ташкил этади¹. Кўриниб турибдики, бу жиноят нафақат бир давлат ҳудудида балки, чегара оша содир этилганлиги, яъни трансмиллийлиги билан ҳам хавфли ҳисобланади.

Одам савдоси халқаро ҳамжамият томонидан инсон, оила ва жамият фаровонлигига хавф туғдирувчи жиноят сифатида баҳоланади² ва шу сабабли бартараф этиш ҳуқуқий демократик жамият барпо этишнинг биринчи навбатдаги вазифаларидан ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, халқаро кўламда ушбу жиноятга қарши курашиш унинг олдини олиш ва уни бартараф этиш, унингдек жиноятни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Одам савдосига қарши халқаро миқёсда курашиш бўйича дастлабки қадамлар XX аср бошларида ташланган бўлиб, хусусан куйидаги ҳужжатларда ўз аксини топган: Шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун амалга ошириладиган аёллар савдосига қарши курашиш бўйича 1899 йил 14 апрелдаги Лондон конференциясининг кўп томонлама битимларни тузиш ва тегишли миллий кўмиталарни ташкил этиш тўғрисида давлатларга қилган мурожатномаси; Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисидаги 1904 йил 18 майдаги Халқаро шартнома; Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисидаги 1910 йил 4 майдаги Халқаро Конвенция; Одамлар савдоси ва фоҳишабозликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисидаги 1949 йил 21 мартдаги Конвенция; Қуллик тўғрисида 1926 йил 25 сентябрдаги Конвенция.

Ўзбекистон Республикаси томонидан 2003 йил 30 августда ратификация қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Ахборот маркази маълумотлари. – Тошкент, 2007 йил.

² “Одамлар савдоси ва фоҳишабозликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида Конвенция”. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. – Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 227.

Ўзбекистон “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенция”га алоҳида тўхталиш керак. Мазкур Конвенцияга илова қилинган қатор протоколлар орасида “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенция”ни тўлдирувчи “Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида”ги¹ Протокол ҳар тарафлама эътиборга лойиқ ҳисобланади.

Халқаро кўлам касб этган бу жиноятга қарши кураш самарали бўлиши учун биринчи навбатда давлат ҳудудига одамларни ноқонуний олиб киришни тўхтатиш, айбдорларни жазолаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонунчилик талабларига мувофиқ жабрланувчиларга тегишли мақом ва ҳимояни кафолатлаш, судларда жиноят ишлар юритиш самарадорлигини ошириш ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни таъминлаш лозим. Иккинчидан, одамларни олиб чиқиб кетишни тўхтатиш, ёлловчиларни жазолаш бундай жиноятларга қарши аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ҳамда тарғибот ишларини олиб бориш, одамларни қандай бўлмасин ишлаш учун чет элга кетишга ундаётган сабабларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш даркор. Протоколда мазкур жиҳатларни акс эттириш ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ички профилактик чоралар дастурига киритиш мақсадга мувофиқ кўринади. Дарҳақиқат, ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжат одам савдосига қарши курашиш соҳасида ҳар бир давлат инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш бўйича қуйидагиларни таъминлаши лозимлигини белгилайди: ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш; ушбу турдаги жиноятларни тергов қилиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан зарур чораларни кўриш; бундай жиноятлар оқибатида жабр кўрганларга зарур ёрдам кўрсатиш ва етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш.

¹ 2004 йил июль ҳолатига кўра 79 та давлат Трансмиллий жиноятчиликка қарши БМТ Конвенциясини ратификация қилганлар ёки унга қўшилганлар; 61 та давлат Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш ва олдини олиш ҳамда уни содир қилганлик учун жазолаш тўғрисидаги Протоколни ратификация қилган ёки унга қўшилган. Интернет-сайт материаллари бўйича: <http://hrlibrary.ngo.ru>.

Одам савдосига қарши курашишга қаратилган халқаро-хуқуқий ҳужжатлар ичида БМТнинг Одам савдосига қарши курашиш тапкилоти томонидан ишлаб чиқилган “Инсон ҳуқуқлари ва одамлар савдоси тўғрисида”ги тавсиявий раҳбарий қоидалар ва принципларни алоҳида таъкидлаш зарур. Бу принциплардан кўзланган мақсад одам савдоси ва унинг бир қисми бўлган одам ёллашга қарши халқаро-хуқуқий кураш олиб бориш стратегиясини ва умумий асосларини аниқла олишдир¹.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, одам савдосини худудий ва халқаро жинойт ҳисоблаб, унга қарши миллий қонунчилик даражасида ҳар доим ҳам самарали кураш олиб бориш мумкин эмаслигини эътироф этиш зарур. Халқаро, кўп томонлама ва икки томонлама йўлга қўйилган ҳамкорлик одам савдосига қарши кураш олиб боришда муҳим чора бўлиши мумкин.

Терроризм кучайиб бораётган ҳозирги кунда бундай зўравонликка қарши курашда давлатлараро ҳамкорликни, кучларни бирлаштириш зарурлиги ўз-ўзидан майдонга чиқмоқда. Давлатларга хавф солаётган радикал кучлар фақат бир мамлакат ичида эмас, балки бошқа мамлакатлар манфаатига даҳлдор бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам халқаро ҳамжамият жаҳонда терроризмга қарши кураш муаммосини ташкил қилиб, уни ҳар бир саммит, форум, халқаро битимларда, конвенциялар ва конференцияларда кўтариб чиқиб, шундай учрашувларга катта эътибор берилмоқда. Жумладан 1995-1996 йилларда Голифакс (Канада) Шарм аш-Шайх (Миср), Лиссабонда бўлиб ўтган тинчликпарварлар саммитида, Голифаксдаги давлат бошлиқларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Бундай учрашувлардан бирида, яъни 2000 йил 25 январда Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгаш аъзолари томонидан 2000 йилдан 2003 йилгача бўлган давр мобайнида

¹ Тавсиявий принципларда кўрсатилганидек: “одамлар савдосининг предмети бўлган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги масала одамлар савдосининг олдини олиш ва унга қарши кураш олиб боришга, қурбонларга ёрдам, химоя ва тўловлар беришга қаратилган барча саноат-ҳаракатларнинг марказида бўлмоғи даркор”. Интернет сайти материаллари бўйича: <http://hrlibrary.ngo.ru>.

жамоатчилик билан ҳамкорликда терроризмга қарши курашиш чора тадбирларини ўтказиш тўғрисида келишиб олинди. Шунингдек, 2003 йил июнда имзоланган халқаро терроризмга қарши курашнинг ҳамкорлик дастурлари ижобий натижа бермоқда. Ана шундай ҳамкорликлардан бири Россия адлия вазирлари учрашувидаги ҳам халқаро терроризмга қарши кураш қоида ва тамойилларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги давлат бу йўлдан амалий кадам бўлди.

Терроризм билан курашишда халқаро ҳамкорликнинг асосий битими қуйидагилардан иборат: диний экстремизм ва терроризмни ноқонуний ва жазога лойиқ амал деб тан олиш; мажбурий деб тан олинувчи мувофиқлаштирилган халқаро ҳамкорлик; терроризм замирида ётган сабабларни бартараф этишга фаол қўмаклашиш; ижтимоий зиддиятларни, кучларни бартараф этишда давлатларнинг ҳамкорликда ҳаракат қилишлари; терроризмни айрим давлатларнинг сиёсатига тенглаштиришдан воз кечиш ва терроризм миллий, диний, ирқий ва бошқа ҳодиса эмаслигини тан олиш; ҳамкорлик тамойилларини мафкурадан холи қилиш, яъни бу жараёнга мафкуравий жиҳатларни киритишдан воз кечиш¹. Терроризмга қарши курашда қуйидаги ҳуқуқий асосларни келтириш мумкин. 1973 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош Ассамблеяси 28 сессияси томонидан қабул қилинган “Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан дипломатик вакилларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги конвенциялар (бу Нью-Йорк конвенцияси дейилади) 1978 йилда терроризм тўғрисидаги Европа конвенцияси кучга кирди. Конвенция терроризмга мансуб зўравонлик ҳаракатлари доирасини кенг белгилаб берди. Халқаро ҳуқуқшунослар томонидан халқаро битимлар орасида алоҳида эътиборга моликлиги таъкидланади. 2000 йил 25 январь МДХ давлат раҳбарлари кенгаши ассоциацияси томонидан МДХ га аъзо давлатларнинг 2003 йилгача бўлган давр мобайнида жаҳон

¹ Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. – Тошкент: Тошкент Ислам университети, 2002. – Б. 128.

ҳамжамияти билан ҳамкорликда жиноятчиликка қарши курашиш чора-тадбирларнинг давлатлараро дастури ва ўша йилнинг 25 июнигача бўлган даврда халқаро терроризм ва экстремизм ҳамда унинг бошқа кўринишлари билан курашиш дастурлари имзоланди. Шу йили Россия ҳамда Қирғизистон билан ҳарбий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шунинг алоҳида эътирофи этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси дунёнинг кўплаб давлатлари билан терроризм, диний экстремизм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги шартномаларни имзолаган ва иштирок этиб келмоқда.

2000 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентлари учрашувида “Терроризм, сиёсий диний экстремизм, миллатлараро жиноятчилик ва томонлар хавфсизлиги ҳамда барқарорлигига таҳдид солувчи хавфлар билан курашишда ҳамкорликдаги ҳаракатлар тўғрисида»ги шартномани имзоладилар.

2001 йил июнь ойидаги Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари Саммитида (бу учрашувда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон ва Тожикистон билан биргаликда мазкур обрўли ташкилотнинг таъсисчиси бўлиб қолди). ШХТ ни тузиш ҳақидаги Декларация, шунингдек терроризм, Айирмачилик ва экстремизм билан курашиш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди.

Диний экстремизм ва терроризм билан курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик тўғрисида гап борганда, Ўзбекистон ташаббуси билан тузилган “6+2 гуруҳи” деб номланган гуруҳни ҳам эслаш мумкин. Унинг саъй-ҳаракатлари билан 2000 йил октябрда БМТ ва ЕХХТ иштирокидаги Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш; гиёҳванд моддалар, уюшган жиноятчилик ва диний экстремизмга қарши курашишга биргаликда ёндашиш” мавзусидаги халқаро Тошкент конференцияси ўтказилди.

Президентимиз И.Каримовнинг 2001 йил 11 сентябрдаги воқеалардан сўнгги баёнотидан айрим фикрларини келтирамиз. “Бугун бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга

барҳам бериш борасидаги курашишдан ҳеч қайси давлат қолмаслиги табиий. Жаҳондаги юздан ортиқ давлатнинг мазкур масала бўйича ўз фикри ва қатъий позициясини баён қилгани ҳам ҳақиқатни тасдиқлайди. Бутун терроризмга қарши қилинаётган конвенция сафига унинг сиёсий тизим ва қарашлардан қатъий назар турли давлатлар, шу жумладан барча етакчи араб ва мусулмон мамлакатлари қўшилаётгани эътиборга сазовордир. Бундай кучлар ва давлатларни бирлаштираётган халқаро жамиятнинг қатъиятлик тобора мустаҳкамлашиб, бу кураш, бу ҳаракат охиригача олиб борилишига ҳеч қандай шубҳа қолмаяпти”. Шунини таъкидлаш лозимки, қўпоровчилик хуружларига дуч келган Ўзбекистоннинг терроризмга ўзининг аниқ ва равшан муносабати бор. Бу муносабат Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва АҚШ ҳукуматининг қўшма баёнотида тўла ифода этилган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва АҚШ Ҳукумати халқаро терроризмни тинчликка шунингдек, глобал ва минтақавий барқарорликка жиддий хавф деб билдиради. Шу муносабат билан улар 2002 йил 7 октябрь куни терроризмга қарши курашда икки томонлама ҳамкорлик учун мустаҳкам асос яратадиган битимни имзоладилар. Нафақат Марказий Осиё халқлари учун, балки бутун дунё аҳли учун ҳам анчайин хавфсиз келажакни яратиш йўлида мамлакатларимиз ўзаро яқинликда иш олиб боришдир.

Таъкидлаш лозимки, халқаро жинойтларнинг мавжудлигини расман эътироф этган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлмиш Нюренберг халқаро ҳуқуқий трибунали (1945 йил 8 август) Уставининг 6-моддасида ушбу трибунал юрисдикциясига кирувчи жинойтларни санаб ўтган¹. Ушбу рўйхат кейинчалик Токио халқаро ҳарбий трибуналининг (1946 йилги) уставида ҳам келтирилган. Кейинчалик халқаро жинойтлар рўйхати бир қатор халқаро ҳужжатлар билан аста-секин тўлдириб борилган².

¹ Международное право в документах. – М., 1982. 827–828 с.; Действующее международное право. Т.3. – М., 1999. – С.764–765.

² Женевские конвенции (1949 г.) и Дополнительные протоколы I и II (1977 г.), Конвенция о предупреждении преступления геноцида и наказании за него (1948 г.), Конвенция о неприменимости срока давности к военным преступлениям и преступлениям против

Ушбу ҳужжатларни таҳлил қилиш уларда терроризм инсоният тинчлиги ва хавфсизлигига қарши жиноятлар тоифасига критилмаганидан далолат беради. Бу эса бир қарашда терроризм учун жавобгарликни назарда тутувчи қоида (норма)нинг Ўзбекистон Жиноят кодексининг тегишли бобида нотўғри жойлаштирилиши ҳақида хулоса чиқаришга сабаб бўлиши мумкин. Бироқ бундай хулоса чиқаришга шошилмаслик зарур¹. Зеро, юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, “барча (ҳуқуқий, ижтимоий, ижтимоий-психологик, миқдорий, ташкилий, бошқарув билан боғлиқ, моддий-техникавий жиҳатлари, террорчилик ҳаракатларининг мислсиз кенг ёйилганлиги ва кўп содир этилиши, инсоният учун хавфлилик даражаси каби) кўрсаткичлар бўйича ҳозирги замон терроризми мутлақо янги ҳодиса бўлиб, борган сари кўпроқ оламшумул хавфга айланмоқда, одамлар ўртасидаги тотувликни бузмоқда”², нафақат Ўзбекистонда ва МДҲ мамлакатларида, балки бутун дунёда ҳаётни издан чиқарувчи омилга айланмоқда.

Юридик адабиётларни таҳлил этиб, терроризм муаммоси ўзаро узвий бўлган икки жиҳатга эга эканлиги, уни халқаро жиноят ҳуқуқининг муқаррар устунлигига асосланган ҳолда давлат ички қонунчилиги доирасида кўриб чиқиш зарурлигини аниқладик. Халқаро ҳуқуқ доирасида бугунги кунда жиноятчиликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ҳамда халқаро хусусиятга эга бўлган айрим жиноятларга қарши курашга доир универсал кўп томонлама шартномалар, кўп томонлама битимларга, халқаро жиноятчиликка қарши кураш масалаларига оид минтақавий кўп томонлама келишувларга, БМТ ва ҳукуматлар ўртасида тузилган бошқа халқаро ҳужжатларга ҳамда давлатларнинг айрим тоифадаги халқаро жиноятларга қарши кураш, жиноят ишлари бўйича,

человечества (1968 г.) // Международная защита прав и свобод человека: Сборник документов. – М., 1991. – С.411–611.

¹ Таджиханов Б.У. Терроризмнинг ҳуқуқий тавсифи. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б. 12.

² Киреев М.И. Состояние и перспективы борьбы с преступлением террористического характера. // Похищение, захват, исчезновение – преступление террористического характера. – М., 2002. – С.13.

хукукий ёрдам кўрсатиш ва жиноятчиларни ушлаб топшириш борасидаги кўплаб икки томонлама битимларига асосланган халқаро ҳамкорлик ҳақиқатдан ҳам биргаликда халқаро жиноятчиликка қарши курашга доир қонун ҳужжатларини ташкил этадиган комплекс манбаларга асосланганлигини тан олиш лозим¹.

Махсус адабиётларда терроризмга қарши курашнинг хукукий асосини ташкил этувчи халқаро-хукукий ҳужжатлар гуруҳларига бир неча ёндашувлар мавжуд. Ушбу халқаро-хукукий ҳужжатларнинг бир қисми тегишли нормаларни давлатимизнинг ички жиноят қонунчилигига имплементация қилишда хукукий манба бўлади. Ўзбекистонда ушбу масалага кўпчилик тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган. Шунга қарамай, бу борадаги икки ёндашувни ажратиш мумкин: биринчи ёндашувга биноан, Ўзбекистон ратификация қилган ёки қилмаганлигидан қатъи назар барча халқаро-хукукий ҳужжатлар гуруҳлаштирилади.

Масалан, Б.И.Исмоилов халқаро-хукукий ҳужжатларнинг тўрт гуруҳини фарқлайди:

Универсал хусусиятга эга бўлган халқаро ҳужжатлар. Уларга халқаро хусусиятга эга жиноятларга қарши курашга доир конвенциялар киради: Терроризмнинг олдини олиш ва уни жазолаш тўғрисидаги Женева конвенцияси (1937 йил), Ҳаво кемаларини қонунга хилоф равишда эгаллаб олишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1970 йил), Одамларни гаров сифатида тутқунликка олишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1979 йил), Халқаро терроризмни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисидаги декларация (1994 йил), Халқаро терроризмни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисидаги декларацияни тўлдирувчи декларация (1996 йил) ва бошқалар. Уларда одатда жиноят ишлари бўйича хукукий ёрдам кўрсатишнинг алоҳида турлари (жиноятчиларни экстрадиция қилиш, бу билан боғлиқ ишлар тартиби, ахборот алмашинуви, жиноят билан боғлиқ ашёларни бериш кабилар) қайд этилган;

¹ Панов В.П. Сотрудничества государств в борьбе с международными уголовными преступлениями. – М., 1993. – С.7–8.

Минтақавий хусусиятга эга бўлган халқаро ҳужжатлар. Уларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: Терроризмга қарши кураш бўйича Европа конвенцияси (1977 йил), Фуқаровий, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги МДХ конвенцияси (1993 йил), Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларининг ҳукуматлари ўртасидаги “Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний муомиллага чиқарилиши ва суистеъмол қилинишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (1996 йил). Мазкур конвенциялар минтақавий ҳужжатлар бўлиб, фақат шу минтақа давлатлари учун тегишлидир. Уларда “террорчилик ҳаракати” атамаси тавсифи шакллантирилган, терроризм ва умуман жиноятчилик ҳаракатларига қарши ҳуқуқий кураш воситалари ва чоралари белгилаб берилган;

Ҳукуматлараро шартномалар. Булар аввало халқаро хусусиятга эга бўлган айрим жиноятларга қарши кураш борасида тузилган икки томонлама битимлардир. Уларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ва Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган Уюшган жиноятчилик, терроризм ва ўта хавфли бўлган бошқа жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1996 йил), Жиноятчиликка қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ва Грузия Республикасининг ҳукумати ўртасидаги битим (1995 йил), Терроризмга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ва Покистон Ислоҳ Республикасининг ҳукумати ўртасидаги битим (1996 йил), Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ва Туркменистон Республикасининг ҳукумати ўртасида “Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний муомиллага чиқарилиши ва суистеъмол қилинишида қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (1996 йил) ва бошқалар. Бу тоифадаги ҳужжатларда халқаро жиноятларга (шу жумладан, терроризм) қарши курашда ҳамкорликнинг ўзаро келишилган воситалари ва

усуллари тартибга солинади, жиноятчиликка қарши курашнинг тегишли тартиблари, механизмлари белгилаб олинади;

Идоралараро битимлар. Уларга куйидагилар киради: Мустақил давлатлар ички ишлар вазирликларининг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисидаги битим (1992 йил), Ички ишлар вазирликларининг наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний муомилага чиқарилишига қарши курашдаги ҳамкорлиги тўғрисидаги битим (1992 йил), Мустақил давлатлар ички ишлар вазирликларининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисидаги битим (1994 йил), Ички ишлар вазирликларининг транспортдаги жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисидаги битим ва бошқалар¹.

Қ.Р.Абдурасулова ва У.П.Эшонқуловлар ҳам халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шунга ўхшаш гуруҳлаштирилишини таклиф этганлар².

Бошқа ёндашувда фақат амалдаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек, Ўзбекистон ратификация қилган ёки қўшилган ҳужжатларга устунлик берилади³.

Илмий адабиётларда⁴ бошқа гуруҳлашлар ҳам таклиф этилган, бироқ улар мазмунан юқоридагиларга яқин бўлганлиги учун келтириб ўтиришни жоиз деб билмадик.

Терроризмга қарши курашнинг (ҳам халқаро, ҳам миллий даражадаги курашнинг, чунки халқаро-ҳуқуқий нормалар давлат ички қонунчилигига имплементация қилинади) ҳуқуқий асосини

¹ Исмоилов Б.И. Проблемы международно-правового сотрудничества Республики Узбекистан в борьбе с терроризмом и организованной преступностью. // Экстремизм, терроризм, ғуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. – Тошкент, 1999. – Б.32–33.

² Абдурасулова Қ.Р., Эшонқулов У.П. Халқаро терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик. // Ҳуқуқ-Право-Law. 2000. №1. – Б. 88–90.

³ Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жинсий-ҳуқуқий муаммолари. Юридик фанлар д-ри... дисс.автореф. – Тошкент, 2002. – Б. 28–30.

⁴ Умидуллаев Ш., Турдиев Р. Терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорлик. // Терроризмга қарши кураш: илмий-амалий ва назарий муаммолар. – Т., 2002. 205–208 б; Астемиров А.Т., Иргашева Р.В., Чуб Д.А. Терроризм как преступление международного характера. // Терроризмга қарши кураш: илмий-амалий ва назарий муаммолар. – Тошкент, 2002. – Б. 226–227.

ташкил этувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юқорида келтирган ва бошқа таснифларида уларни бирлаштирувчи кўрсаткичларни ажратиш мумкин. Биринчидан, ушбу таснифлардан барча даражалардаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати мавжуд эмас. Иккинчидан, бу таснифларга нафақат террорчилик жиноятларининг ҳуқуқий муаммоларини тартибга соладиган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, балки ёрдамчи ҳужжатлар сифатида таърифланувчи бошқа ҳужжатлар ҳам киритилган.

Ўзбекистоннинг гиёҳванд моддаларга қарши кураш бўйича фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Халқаро ҳуқуқнинг демократик-ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш сари жадал ҳаракат қилишни таъминлайдиган умумэтироф этилган нормалар ва демократик қадриятларнинг давлатимиз томонидан тан олиниши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш сари ташлаган муҳим қадамларидан бири бўлди.

БМТ қарорлари ва тавсиялари юқорида зикр этилган умум этироф этилган нормалар жумласидандир. Улар мустақил давлатларга жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан қайта қуриш ва ислохотларни самарали амалга ошириш имконини беради. БМТ ҳужжатларида халқаро уюшган жиноятчиликка, шу жумладан наркотрафик ва наркотижоратга қарши курашни ташкил этиш масаласига катта эътибор қаратилган.

БМТнинг 1961, 1971 ва 1988 йилларда имзоланган Конвенциялари гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашда бутун жаҳон ҳамжамиятининг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга, таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган предметлар ва воситаларни тайёрлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва улардан фойдаланиш босқичларида аниқ чегаралар ва ҳуқуқий тўсиқлар ўрнатишга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси наркожиноятчилик бутун жаҳон ҳамжамиятига жиддий хавф солаётганлигини ва XXI асрнинг мазкур “вабоси”га қарши бутун жаҳон ҳамжамиятининг ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини

чукур англаган ҳолда, БМТнинг юқорида зикр этилган Конвенцияларини ратификация килди.

Шундан сўнг республикада мазкур муҳим халқаро ҳужжатларни амалга ошириш, наркотрафикка ҳамда гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф равишда муомаллада бўлишига қарши самарали кураш олиб боришни таъминловчи норматив-ҳуқуқий негизни вужудга келтириш ва институциявий ислохотларни амалга ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди¹.

1994 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида гиёҳвандлик воситалари устидан назорат бўйича махсус Давлат комиссияси тузилди. Мазкур Комиссия гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф равишда муомаллада бўлишига қарши курашни мувофиқлаштириш, гиёҳвандлик воситалари миллий ва минтақавий миқёсда тарқалишининг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, гиёҳвандлик воситалари устидан назорат ўрнатиш бўйича олинган халқаро мажбуриятларни бажариш масалалари билан шуғулланувчи идоралараро органга айланди.

Ўзбекистон Республикаси гиёҳвандлик воситалари устидан назорат бўйича Давлат комиссиясининг доимий ишлайдиган аппарати сифатида 1996 йил 7 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан гиёҳвандлик воситалари устидан назорат бўйича Миллий ахборот-таҳлил маркази тузилди.

Мазкур Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари этиб қуйидагилар белгиланди: Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари устидан назорат соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш стратегиясини ва асосий йўналишларини ишлаб чиқишни ташкил этиш; Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, Гиёҳвандлик воситалари устидан назорат бўйича Давлат комиссиясига наркотик вазият, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг миллий ва халқаро

¹ Кадиров Ш. Гиёҳвандликка қарши курашга оид халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистон қонунчилигига татбиқ этиш // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2009. – №3. – Б. 144–146.

миқёсларда қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашни ташкил этишни такомиллаштириш масалалари юзасидан тегишли таҳлил материаллари ва таклифлар тайёрлаш; маълумотлар банкни йиғиш ва тузиш, уларни умумлаштириш ва ҳар томонлама таҳлилдан ўтказиш, шунингдек республикада ва ундан ташқарида гиёҳвандликнинг олдини олиш ва гиёҳвандлик воситалари устидан назорат ўрнатиш масалалари юзасидан манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга, шу жумладан халқаро ташкилотларга белгиланган тартибда тегишли ахборот тақдим этиш; гиёҳвандлик воситалари устидан назорат соҳасидаги давлат сиёсати ва ҳуқуқий негизнинг асосий йўналишларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни белгиланган тартибда киритишни ташкил этиш; гиёҳвандлик воситалари устидан назорат соҳасидаги халқаро фаолиятни тартибга солувчи конвенциялар қоидаларининг Ўзбекистон Республикаси томонидан бажарилиши тўғрисидаги йиллик докладларни БМТга тайёрлаш.

Шунингдек, мамлакат парламенти 1999 йил 19 августда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” қонун қабул қилди. Ушбу қонун таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган воситалар ва ашёларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига монелик қилиш, фуқаролар соғлиғини сақлаш ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлашни мақсад қилиб қўяди.

2000 йил 31 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқиш ҳамда уларни республика ҳудуди орқали транзит қилиш тўғрисида”ги 293-сонли қарори қабул қилинди. Ҳукуматнинг мазкур қарори билан “Ўзбекистон Республикасига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқиш ҳамда уларни республика ҳудуди орқали

транзит қилиш тўғрисида”ги низом, шунингдек мазкур воситалар ва моддалар рўйхати тасдиқланди¹.

Хулоса сифатида айтиш ўринлики, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласига қарши кураш борасида давлатлараро ҳамкорликни мувофиқлаштиришнинг истиқболли йўналишларини ўрганиш бу жиноятни олдини олишда яқиндан ёрдам беради. Шунинг учун ҳам гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласига қарши қарши курашнинг янада самарали чора-тадбирларини излаш, уларнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш, давлатимиз ва жамиятимиз олдидаги долзарб вазифалардан биридир.

¹ Кадиров Ш. Гиёҳвандликка қарши курашга оид халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистон қонунчилигига татбиқ этиш // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2009. – №3. – Б. 144–146.

ХУЛОСА

Кўриб чиққанимиздек, юқоридаги гуруҳга кирувчи жиноятлар бежизга трансмиллий жиноятчилик деб аталмаган. Бу жиноятлар чегара билмайди. Шундай экан инсоният мазкур қилмишларга қарши қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормоги лозим. Жиноятни жазолашдан кўра, уни олдини олиш маъқул эканлиги аллақачон исботланган. Зотан, ЎзР ЖКнинг 2-моддасида ҳам жиноят қонунининг асосий вазифаларидан бири сифатида жиноятларнинг олдини олиш белгилаб қўйилганлиги бежиз эмас.

Юқорида тўхталиб ўтилган таҳлилдан келиб чиқиб трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш бўйича қуйидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан, трансмиллий жиноятчиликка қарши курашда дунё мамлакатлари ўзаро бирлашиши, мазкур соҳадаги ҳамкорликни йўлга қўйиш самарадорлигини янада ошириш лозим; иккинчидан, трансмиллий жиноятчиликка қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларини, аниқроғи Халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнини эгаллашга интилаётган Ўзбекистон Республикаси трансмиллий жиноятларга қарши курашиш учун барча чораларни кўриш хусусан, бундай жиноятларни содир этган шахсларни аниқлаш, қидириб топиш ва жазо тайинлаш, жиноятнинг олдини олиш мақсадида профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш зарур; учинчидан, бу хил жиноятларнинг олдини олиш бизнингча, икки босқичда амалга оширилиши зарур. Биринчидан, трансмиллий жиноятларининг тушунчаси, юридик таҳлил қилиш ва жиноят тўғрисидаги қонунининг бир қатор нормаларини такомиллаштириш мақсадида таклиф ва мулоҳазаларни ишлаб чиқиш. Иккинчидан, трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик масаласини қайта кўриш, ушбу турдаги жиноятларни содир қилган шахсларга криминалогик тавсиф бериш, жиноятни келтириб чиқарувчи шароитларни ўрганиш ҳамда шундай жиноятларнинг олдини олиш лозим деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Раҳбарий адабиётлар:

1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 43-44 бетлар.

1.2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 41-44 бетлар.

1.3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 94-95 бетлар.

1.4. Каримов И.А. Минтақавий муаммолардан жаҳоншумул муаммоларга// Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3.-Т., 1996.-58-б.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003.

2. Меъёрий ҳужжатлар:

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. - Тошкент: «Адолат». 2008.

2.2 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Тошкент: «Адолат». 2008.

2.3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. - Тошкент: “Адолат”, 1996.

2.4. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни// Халқ сўзи. 2008 йил 18 апрель .

2.5. Одамлар савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида Конвенция./ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. - Тошкент: Адолат, 2004. - 180-188 б.

2.6. Куллик тўғрисида Конвенция./ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. - Тошкент: Адолат, 2004. -170-174 б.

2.7. “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенция”./ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. - Тошкент: Адолат, 2004. -188-199 б.

2.8. Всеобщая декларация прав человека. / Сборник нормативно-правовых документов по вопросам миграции и противодействия торговле людьми в области прав человека. - Тошкент: 2007. - 30 с.

2.9. Қуллик ва кул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида қўшимча Конвенция./ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. - Тошкент: Адолат, 2004. - 174-180 б.

2.10. Конвенция ООН о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. Сборник нормативно-правовых документов по вопросам миграции и противодействия торговле людьми в области прав человека. -Тошкент, 2007. - 30 с.

2.11. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи 2000 йил 15 ноябрдаги “Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ва тўхтатиш ва уларни содир этганлик учун жазолаш тўғрисида” ги Протоколи// Сборник нормативно-правовых документов по вопросам миграции и противодействия торговле людьми в области прав человека. - Тошкент: 2007. - 76 б.

2.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қуватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига оид чиқарилган ҳужжатлар тўшлари. - Тошкент: “IKAR-МАИК” 2004. - 23-31 б.

3. Маҳсус адабиётлар:

3.1. Абдурасулова Қ. Криминология. - Тошкент: Адолат, 2007, - 81-82 б.

3.2. Абдурасулова Қ.Р Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 230 б.

3.3. Абдурасулова К., Зокирова О. Криминология. Ўқув-услубий қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2003, - 26-27 б.

3.4. Брайнин Я.М. Уголовная ответственность и ее основание в советском уголовном праве. - М., 1963. - С.167.

3.5. Усмоналиев М. Жиноят таркиби. - Тошкент: 2008. - 44-45 б.

3.6. Усмоналиев.М., Ё.Каракетов. Криминология. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. - 453 б.

3.7. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига Шарҳлар. Махсус Қисм. - Тошкент:ILM ZIYO, 2006. - 110-112 б.

3.8. Иванов Н. Понятие и формы соучастия в советском уголовном праве. – Саратов, 1991. – С. 92.

3.9. Ражабова. М.Жиноий жазоларни либераллаштири: илмий ва амалий таҳлил. - Тошкент: Адолат, 2005. - 95-96 б.

3.10. Уголовный кодекс Республики Узбекистан: научно-практические комментарий // Под ред. А.Якубова. -Т., 1996. – С. 49.

3.11. Усмоналиев М. Жиноят ҳукуқи. (Умумий қисм). - Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. - 94-195 б.

3.12. Тельнов П. Ответственность за участие в преступлении. - М., 1974, - С .48-49.

3.13. Плонтковский А. Учение о преступлении по советскому уголовному праву. Курс советского уголовного права. Общая часть. - М., 1961. – С. 563.

3.14. Здравомыслов Б. В. Уголовное право России. Общая часть. - Москва, 1996. -161 с.

3.15. Ерохина Л.Д., М.Ю. Буряк. Торговля женщинами в целях сексуальной эксплуатации. Теория и практика борьбы. Учебное пособие. - Владивосток, 2001. - 23 с.

4. Диссертация ва диссертация авторефератлари:

4.1. Хамраева Ҳ .Ш. Аёллар траффиги (пуллаш)ни баратариф этишнинг халқаро ҳуқуқий муаммолари. Номзодлик илмий даражасини олиш учун. - Тошкент: ТДЮИ, 2004. - 30 б.

4.2. Абдурасулова Қ.Р. Ответственность за мошенничество в Республике Узбекистан.: Автореферт дисс.кан.юрид.наук -Т., 1994. - С. 8.

4.3. Буряк Ю.М..Торговля людьми и борьба с ней. Дис..канд. наук. –Владивосток, 2005. - 13 с.

4.4. Соттиев И. Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг жинойи ҳуқуқий чоралари. Юр.ф.н.дис.автореф., - Т., 2002. – С. 11-12.

4.5. Евстифеева Е.В Теоретически проблемы уголовно-правовой ответственности за торговлю людьми: Дис...канд. юрид. наук. -Саратов, 2002. -95 с.

4.6. Милевский А.И. Уголовно-правовая борьба с торговлей несовершеннолетними: Автореф. дис... канд. юрид. наук. - М., 2000.- 16 с.

4.7. Репцкая.А.Л. Транснациональная организованная преступность: Автореф.дис...д-ра юрид. - М., 2001. - С.15.

Фатхулла Шукуруллаевич Сагдуллаев

**ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК
(ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК
ТАҲЛИЛ)**

Илмий рисола

Бадий муҳаррир: Н.Салаев

Босишга рухсат берилди 27.03.2010. Қоғоз бичими 84х60
Босма табағи 6,5. Адади 100. Буюртма №142. Баҳоси шартнома асосида.
НПКФ «QUDRAT-BIZNESS» босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш, Корасарой кўчаси 284 уй.